**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**

**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**БАБАЕВА ГУЛНОЗА НАСИМЖОНОВНА**

# МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ШАРОИТИДА МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАРНИ БОШҚАРИШНИ ЗАРУРЛИГИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

5А 140901 - Касб таълими (Молия)

**Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган**

**ДИССЕРТАЦИЯ**

Илмий раҳбар и.ф.д.,проф. Ш.Д.Саидбоев

НАМАНГАН - 2012

# АННОТАЦИЯ

Ўзбекистонда олиб борилаётган ислоҳотнинг чуқурлашиши ҳудудлар молиявий ресурслари ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги ролини янада ошириб, молия-бюджет соҳасидаги хуқуқларини кенгайтириш ва уларнинг молиявий базасини мустахкамлашни талаб қилади.

Ушбу иқтисодий ислоҳотлар жараёнида бюджет ижроси, уни бажарилишини каътий таъминлаш, ҳудудлар молиявий ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш борасида олиб борилаётган ишлар билан бир қаторда ечимини кутаётган муаммолар ҳам мавжуд.

Бюджет ижросини белгиланган параметрлар доирасида ижро этиш, бюджетдан маблағ билан таъминлашни такомиллаштириш, ҳамда маблағлардан самарали ва мақсадли фойдаланишни таъминлаш ҳудудий бюджетлар олдида турган мухим вазифалардан бири ҳисобланади.

## МУНДАРИЖА


| | | |
|---|---|---|
| | **Кириш………………………………………………………..** | 4 |
| I боб. | **Мамлакатни модернизация қилиш шароитида молиявий ресурсларини шаклланишининг назарий-ташкилий асослари** | |
| 1.1 | Мамлакатни модернизация қилиш шароитида молиявий ресурсларини шакллантиришда бюджетларнинг ўрни ва аҳамияти………………………………………………………… | 9 |
| 1.2 | Молиявий ресурсларини ўзига хос хусусиятлари……….... | 15 |
| 1.3 | Молиявий ресурсларини шакллантириш ва бошқариш юзасидан хориж тажрибаси……………………………… | 20 |
| II боб. | **Молиявий ресурсларини шакллантириш ва ишлатилишини бошқариш** | |
| 2.1 | Молиявий ресурслари шаклланиши таҳлили……………… | 29 |
| 2.2 | Молиявий ресурсларда фойдаланишнинг таҳлили……….. | 36 |
| III боб. | **Мамлакатни модернизация қилиш шароитида молиявий ресурсларни бошқаришни такомиллаштириш** | |
| 3.1 | Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш…………… | 49 |
| 3.2 | Ҳудудлар молиявий ресурсларни бошқаришдаги камчиликлар ва уларни бартараф этиш йўллари………….. | 72 |
| 3.3 | Мамлакатни модернизация қилиш шароитида молиявий ресурсларни бошқаришни такомиллаштиришда банк кредити ………………………………………………………… | 78 |
| | **Хулоса ва таклифлар……………………………………** | 94 |
| | **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати……………………** | 97 |

# КИРИШ

**Магистрлик диссертация ишининг долзарблиги.** Ўзбекистон Республикасининг мустакилликка эришиши ва ижтимоий йуналтирилган бозор иқтисодиёти сари йўл тутиши даврида ҳудудий бюджетларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги роли янада ошмоқда. Ўзбекистонда олиб борилаётган ислоҳотнинг чуқурлашиши ҳудудлар молиявий ресурслари ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги ролини янада ошириб, молия-бюджет соҳасидаги хуқуқларини кенгайтириш ва уларнинг молиявий базасини мустахкамлашни талаб қилади. Ушбу иқтисодий ислоҳотлар жараёнида бюджет ижроси, уни бажарилишини каътий таъминлаш, ҳудудлар молиявий ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш борасида олиб борилаётган ишлар билан бир қаторда ечимини кутаётган муаммолар ҳам мавжуд. Бюджет ижросини белгиланган параметрлар доирасида ижро этиш, бюджетдан маблағ билан таъминлашни такомиллаштириш, ҳамда маблағлардан самарали ва мақсадли фойдаланишни таъминлаш ҳудудий бюджетлар олдида турган мухим вазифалардан бири ҳисобланади. Бу борада юртбошимизнинг илмий асарларида ҳам шундай таъкидланган: «Бугун жойларда иқтисодиётни юксалтириш, замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган янги корхоналарни барпо етиш ва реконструксия қилиш учун хорижий сармояларни жалб қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш соҳаси ва касаначиликни ривожлантириш нечоғлиқ катта, ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини кимгадир исбот қилиб беришга ҳожат йўқ. Бу аввалaмбор, аҳоли бандлиги, унинг иш ҳақи ва даромадларини ошириш, бу охир-оқибатда республикамиз ҳудудлари, шаҳар ва туманларимиздаги энг муҳим ижтимоий муаммоларни ечиш демакдир»[1]

[1] "Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислоҳот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир", Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси

Ушбу мақсад ва вазифаларни амалга ошириш эса ҳудудлар молиявий ресурсларга тегишли ваколотлар бериш, уларни мустақиллигини ошириш орқали эришиш мумкин. Ҳудудийлар молиявий ресурсларининг шаклланиши ва уларни самарали бошқариш механизмини такомиллаштириш мавзусидаги ушбу битирув малакавий иш ҳам ҳудудлар молиявий ресурслари ўртасидаги ўзаро муносабатларни таъминлашда катта аҳамият касб этади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси**. Мамлакатни модернизация қилиш шароитида молиявий ресурсларни бошқаришни зарурлиги ва уни такомиллаштириш масалалари юзасидан жаҳоннинг энг етакчи иқтисодчи олимларнинг бир неча йиллар ва асарлар давомида олиб борилган илмий тадқиқотларининг мавзуси бўлиб келган.

Молиявий ресурсларни шакллантириш ва бошқаришни такомиллаштиришни муоммолари таниқли классик иқтисодчи олимлар У.Петти, А.Смит, Д.Рикордо, Ш.Кейнс, хорижий иқтисодчи олимлар С.Фешер, К. Макконнелл, А. Лаффер,А. Шеремет, В.Панков, Б. Сабанти, Д.Чернин, Г.Поляк, И. Рамоновский, Т. Гуйда ва бошқалар илмий асарларида ўз аксини топган.

Шунингдек Ўзбекистон иқтисодчи олимлари ва амалиётчилардан И. Каримов, Ш. Абдуллаев, Ш.Сайитбаев, Т.Маликов, О.Олимжанов, К. Яхёев, Д. Газибеков, А. Кодиров, Ш.Зайналов, Н. Ҳайдаровни илмий асарларида молия ресурсларини ташкил этиш ва бошқаришнинг назарий масалаларини ва айрим муаммоларининг ечими ўз аксини топган. Кейинги йилларда Г. Косимов, С. Шубаев, Б.Жураев, А.Маманазаров ва бошқалар тоомнидан ҳимоя қилинган диссертация ишларида молиявий ресурсларни шакллантириш ва бошқаришни айрим масалалари бўйича илмий изланишлар олиб борилган.

2000 йил 14 декабрда “Бюджет тизими тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуннинг қабул қилинганлиги умуман олганда молия ресурсларни шаклланиши ва муаммоларни ҳал этди.

**Диссертация ишини асосий мақсади**. Мамлакатни модернизация қилиш шароитида молиявий ресурсларни ташкил этиш ва бошқариш муаммолари йўналишларини тадқиқ этиш асосида бюджет механизмини такомиллаштириш ва маҳаллий бюджетлар даромад базасини мустахкамлаш юзасидан назарий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Ушбу мақсадга эришиш учун диссертацияда қуйидаги вазифалар қўйилган:

-молия ресурсларини самарали бошқаришни қайта кўриб чиқиш;

-молия ресурсларини самарали бошқаришни ҳозирги вақтдаги ҳолатини таҳлил қилиб чиқиш;

-молия ресурсларини бошқариш йўналишларини такомиллаштиришга тавсиялар бериш;

-минтақа молия ресурсларини мустаҳкамлашнинг аниқ йўлларини кўрсатиш ва ҳудудларни молиявий қўллаб-кувватлаш фондини шакллантириш услубиётини ишлаб чиқиш.

**Диссертация ишнинг предмети** сифатида маҳаллий бюджетлар харажатларидан самарали фойдаланиш жараёнида юзага келадиган иқтисодий-молиявий муносабатлар яққол кўзга ташланади.

Диссертация ишида изланиш объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси молия ресурсларни шаклланиш, бюджетлар харажатлари ва улардан самарали фойдаланиг ижросини таъминлаш жараёни, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат Солиқ қўмитаси ва Наманган вилоят маҳаллий бюджетларнинг мазкур жараёнига оид фаолиятлари ташкил этади. Шунга асосан диссертация ишида маҳаллий бюджетлар самарали ижросини таъминлаш жараёнининг ҳуқуқий таъминоти муаммолари тадқиқ этилган.

Диссертация ишида изланишнинг маълумот базаси сифатида Ўзбекитсон Республикаси Молия Вазирлигининг бюджет бошқармаси маълумотлари ҳамда Наманган вилоят маҳаллий бюджетлари кўрсаткичи бўйича 2007-2010

йиллардаги ижроси ҳамда 2008 йилдаги режа маълумотлари майдонга чиқади.

Изланишнинг услубий методик асосини илмий билишнинг диалектик усули, статистик-математик, таркибий-қиёсий, функциолан-объектив таҳлил усуллари, иқтисодчи-олимларнинг молия-бюджет муносабатлари назарияси ва амалиёти соҳасига оид ишлари ташкил этади.

Молия ресурслардан самарали фойдаланиш мақсадида бюджет қонунчилигидаги ҳозирги замон талабалари асосида солиқларнинг бюджет тизими бўғинлари ўртасида тақсимланиши механизми таҳлил қилиниб уни такомиллаштириш юзасидан таклифлар тизими берилди;

-маҳаллий бюджетлар самарали ижросини таъминлаш мақсадида ҳудудий иқтисодий ва ижтимоий-иқтисодий тараққиёт нотекислари ҳамда зиддиятларини мувофиқлаштириш, маҳаллий бюджетлар ҳуқуқий мажбуриятлари ортиб бориши билан мутаносиб тарзда улар даромад базасини мустахкамлаш яхлитлигига асосланган маҳаллий бюджетлар тараққиётини комплекс дастурлаш тизими илмий жиҳатидан асослаб берилди.

Маҳаллий бюджетлар ижросини ташкил этиш ва бошқавришда ғазначилик усулининг аҳамияти, вазифалари, муаммолари ва уларни ҳал этиш йўналишлари тавсия этилди.

Маҳаллий бюджетлар самарали ижросини таъминлашда тартибга солувчи даромадлари, бошқа солиқсиз даромадлар ҳамда давлатнинг маҳаллий бюджетларни молиявий тенглаштириш сиёсатида кўзда тутилган тадбирлари мутаносиблигининг аҳамияти очиб берилди ва ушбу механизмнинг мезонлари ҳамда воситалари таклиф этилди;

-бюджет жараёни ва иқтисодий ўсиш самарадорлиги масалаларини комплекс тарзда ҳисобга олиш асосланганмаҳаллий бюджетларга молиявий ёрдамнинг иқтисодий потенциалдан фойдаланиш даражаси мезонига

асосантақсимлаш давлат тадбирининг назарий-услубий ҳамда молиявий – иқтисодий масалалари асослаб берилди.

**Диссертация ишининг амалий аҳамияти** шундаки, ундаги айрим ҳолатлар алоҳида таклиф ва тавсия даражасигача тадбиқ этилганки, улар маҳаллий бюджетлар самарали ижросини таъминлашга, молия ресурсларни ташкил этиш ва бошқаришни мустахкамлаш мустақиллиги ва молиявий имкониятларнинг янада мустаҳкамланишига амалий ёрдам беради.

**Магистрлик диссертациянинг таркибий тузилиши ва хажми**: Иш кириш, уч боб, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Кириш мавзунинг долзарблиги, ўрганнилганлик даражаси, мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти, предмети, усул ва услубиёти, илмий янгилиги ва амалий аҳамияти тадқиқ этилган.

Биринчи бобда Мамлакатни модернизация қилиш шароитида молиявий ресурсларини шаклланишининг назарий-ташкилий асослари ва аҳамияти назарий жихатдан ёритиб берилган.

Иккинчи бобда. Молиявий ресурсларини шакллантириш ва ишлатилишини бошқариш

Учинчи бобда. Мамлакатни модернизация қилиш шароитида молиявий ресурсларни бошқаришни такомиллаштириш харажатларни оптималлаштириш муаммолари юзасидан таклиф ва мулохазалар берилган.

# I Боб. МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ШАРОИТИДА МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАРИНИ ШАКЛЛАНИШИНИНГ НАЗАРИЙ-ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИ

## 1 .1 Мамлакатни модернизация қилиш шароитида молиявий ресурсларини шакллантиришда бюджетларнинг ўрни ва аҳамияти

Жамият иқтисодий ва ижтимоий тузилмасининг шаклланиши ва ривожланишида тарихий тараққиётнинг ҳар бир босқичида муайян сиёсат доирасида амалга ошириладиган давлат томонидан тартиблаш муҳим роль ўйнайди. Давлатнинг ўз вазифа ва функцияларини бажаришига, ўз иқтисодий ва ижтимоий сиёсатини амалга оширишига имкон берадиган қурол, дастаклардан бири – давлат бюджетидир.

Бюджет – бу давлат ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш вазифалари ва функцияларини молиявий таъминлаш учун мўлжалланган пул маблағлари жамғармаларини тўплаш ва сарфлаш шаклидир. Давлат бюджетининг моҳиятини қуйидаги таърифларда янада ойдинлаштириш мумкин:

- давлат бюджети – давлат пул маблағларининг (шу жумладан давлат мақсадли жамғармалари маблағларининг) марказлаштирилган жамғармаси бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади;
- бюджет иқтисодий категория сифатида ўзининг тегишли моддий ифодасига эга бўлади. Бюджет муносабатлари давлатнинг марказлаштирилган пул маблағлари жамғармасида моддийлашади. Бу жамғарма тақсим қилиниши сабабли унинг шаклланиши ва сарфланиши қиймат ҳаракати орқали ифода этилади. Бу жараён давлат томонидан

йиғиладиган ва сарфланадиган пул ресурслари, оқимлари кўринишига эга бўлади;

- ўз иқтисодий моҳиятига кўра давлат бюджети – бу иқтисодиёт, ижтимоий-маданий тадбирлар, мудофаа ва давлат бошқаруви эҳтиёжларини молиялашга мўлжалланган бюджет жамғармасини шакллантириш ҳамда ундан фойдаланиш масалаларида миллий даромадни қисман миллий бойликни ҳам қайта тақсимлаш борасида давлат билан юридик ва жисмоний шахслар ўртасида юзага келадиган пул муносабатларидир;
- давлат бюджети – молиявий режалар тизимида етакчи ўринда туради ва давлатнинг асосий молия режаси ҳисобланади;
- давлат бюджети – молия тизимининг барча асосий молия институтларини даромадлари, ҳаражатлари, давлат қарзлари бирлашадиган ва ўзаро боғланадиган марказий бўғини ҳисобланади.

Бюджет қуйидаги вазифаларни бажаради:

- ЯИМни қайта тақсимлаш;
- иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш ва рағбатлантириш;
- бюджет соҳасининг молия таъминоти ва давлатнинг ижтимоий сиёсатини амалга ошириш;
- марказлаштирилган пул маблағлари жамғармаларини шакллантириш ва ундан фойдаланишни назорат қилиш.

Бюджетнинг даромад ва ҳаражатлари таркибида давлатнинг ички ва ташқи сиёсати мужассамланади, иқтисодий ва ижтимоий жараёнлар, ишлаб чиқаришнинг танлаб олинган усулига хос бўлган зиддиятлар ўз ифодасини топади.

Бюджетнинг бош функцияси давлатнинг яшаб туришига моддий шароит яратиш, ишлаб чиқариш муносабатларини, такрор ишлаб чиқаришни таъминлаш учун миллий даромадни қайта тақсимлашда хизмат қилади. Маҳаллий бюджетлар Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетида мухим таркибий қисмни ташкил этади ва маҳаллий хокимиятларнинг фаолият

курсатишларида молиявий манба бўлиб хисобланади. Маҳаллий бюджетлар тизими маҳаллий талаб-эхтиёжларни туларок кондиришни ҳамда давлатнинг марказлашган тартибда амалга оширадиган тадбирларининг бажарилиши билан чамбарчас боғланган ҳолда ижро этишга имкон яратиб беради. Маҳаллий хокимият органларига маҳаллий бюджет даромадларининг купайиши ва ресурсларнинг тежамкорлик билан сарфланиши вазифаси юклатилади. Иқтисодиёт ва маданиятнинг юксалиш суръатлари тўғридан-тўғри маҳаллий хўжалик захираларини сафарбар қилиш, маблағларни тежаб ишлатиш борасидаги ишларни ташкил этиш билан бевосита боғлик бўлади, бу эса ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг ижросини таъминлашга ёрдам беради.

Маҳаллий бюджетлар орқали маҳаллий ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий жихатдан ривожлантиришни молиявий манбалар билан таъминлаб борилади..

Маҳаллий бюджетлар даромадларининг шаклланишидаги ушбу йуналишни Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов шундай таъкидлаган эди: “Давлат бюджети даромадларининг катта қисмини жойларга бериш, маҳаллий бюджетларни мустахкамлаш зарур. Бу эса минтакалар мустақиллигини ошириш, уларнинг ташаббускорлигини, бюджетнинг ижросидан манфаатдорлигини ва бу борадаги маъсулиятини ошириш имконини беради. Бундан ташқари, бу нарса маҳаллий бюджетларга тушумларнинг янги манбаларини қидириб топишга рағбатлантиради, жойларда бюджет интизомини мустахкамлайди”.

Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотнинг чуқурлашиши маҳаллий хокимият органларини ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги ролини янада ошириб, молия-бюджет сохасидаги хуқуқларини кенгайтириш ва уларнинг молиявий базасини мустахкамлашни талаб қилади. Маҳаллий бюджетларнинг салмоғи ошиши устун равишда ҳаражатларнинг ошиб бориши билан боғлиқ. Яъни давлат иқтисодни, ижтимоий инфраструктурани,

ишчи кучини тайёрлаш билан боғлиқ ҳаражатларни жойларга бериб бормокда, Маҳаллий бюджетлардан давлат такрор ишлаб чиқариш жараёнига таъсир этишда кенг фойдаланмоқда, маҳаллий бошқарув давлатнинг жойларда мақсадга мувофиқ бўлган вазифаларини бажаради.

Тажрибаларнинг кўрсатишича, бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш самарали ислоҳотларга имкон берар экан. Шу сабабли Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтишнинг эволюцион йўлини танлади. «Бугун, биз танлаган модель амалда, амалиётда синовдан ўтганидан кейин, Ўзбекистоннинг ислоҳотлар модели тўғрилиги хақида баралла гапириш учун барча асосимиз бор»[1] . Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиши ўзига хос йўли беш тамойилда жамланди ва улар ислоҳотларнинг асосий йўналишларини белгилаб берди. Бу ислоҳот – «энг кам йўқотишлар билан ижтимоий ларзаларга йўл қўймасдан»[2] бозор иқтисодиёти ислоҳотларини босқичма-босқич амалга оширишни ва буюк давлат барпо этишни назарда тутади.

Ўзбекистон Республикаси маҳаллий бюджетлари томонидан ҳаражатларни амалга ошириш учун даромадларга эга бўлиши керак. Шунинг учун Маҳаллий бюджет даромадларини шаклланишининг амалдаги ҳолати ва ушбу жараёндаги даромад манбаларини тахлил қиладиган бўлсак авваламбор даромадларнинг шаклланишига эътибор бериш лозим. Маҳаллий бюджет даромадларининг манбалари таркибига маҳаллий солиқлар ва йигимлар, умумдавлат солиқлардан ажратмалар, субвенциялар, дотациялар, ссудалар, мерос олиш, хадия этиш буйича умумдавлат мулкига утган маблағлар, жисмоний , юридик ва чет эл давлатлардан кайтарилмайдиган маблағлар, давлатмулкини жойлаштириш, фойдаланишга беришдан олинган даромадлар ҳамда бошқа даромадлар киради.

[1] Каримов И. А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. - «Ўзбекистон». Т.: 1995. 39-бет.
[2] Каримов И. А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. -«Узбекистон». Т.: 1997. 88-бет.

Маҳаллий бюджетларни даромадларини шакллантириш Ўзбекистон Республикасинининг Бюджет тизими тўғрисидаги қонуннинг 18 моддасига асосан амалга оширилади. Шунга мувофик маҳаллий бюджетлар даромадлари ўз даромадлари (маҳаллий солиқлар ва йиғимлар) ва юқори бюджетдан ажратиладиган ажратмалар (умумдавлат солиқларидан ажратмалар, дотация ва субвенциялар) хисобидан шаклланади.

Умумдавлат солиқларидан ажратмалар улуши ҳар йили маҳаллий бюджетларнинг ўз даромадларининг тушуми ҳамда улар томонидан амалга ошириладиган ҳаражатларнинг микдорига қараб ўзгартириб борилади.

Умумдавлат солиқларининг мухим хусусияти шундаки, республика бюджетига тушадиган солиқлардан маҳаллий бюджетларни бошқариб бориш учун ажратма сифатида тушиши мумкин. Агар келгуси йили маҳаллий бюджетларнинг ўз даромад манбалари (солиқлари) купайиб колса, республика солиқларидан ажратма беришнинг хожати колмайди. Республика ва маҳаллий солиқлар ягона мохиятга эга бўлиб, бюджетга туланиши лозим бўлган тўловлардир.

Шу билан бирга, умумдавлат солиқларининг айрим турлари ҳам маҳаллий бюджетларни тулдириш манбаи сифатида маҳаллий бюджетлар ихтиёрида колдирилиши мумкин. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2001 йил 31 декабрдаги 490-сонли карорининг 14-бандига асосан маҳаллий хокимият ва бошқарув органларининг тегишли бюджетларга тушумларининг тўлик ундирилиши ва тасдикланган ҳаражатларни ўз вактида молиялаштирилиши бўйича жавобгарлигини ва маъсулиятини ошириш мақсадида умумдавлат солиқларидан тушумлар тулик хажмда маҳаллий бюджетлар даромадига ўтказилган.

Маҳаллий бюджетларнинг бу даромад турининг ўзига хос томонлар мавжуд. Юқори бюджетлардан ажратиладиган субвенция ва дотациялар бошқа даромад турларидан фарк қилиб бу даромад турлари йил бошида

тасдикланган режа микдорида олинади. Яъни бу даромад турларига йил давомида ўзгартиришлар киритилмайди.

Маҳаллий бюджетлар шаклланиши механизмининг барча таркибларига: ҳаражатлар, солиқ даромадлари ва бюджет трансфертларига таълуклидир. Ҳар бир таркибнинг тахлили асосий муаммоларни аниқлашга ва Ўзбекистонда маҳаллий бюджетлар шаклланиши ҳамда бажарилиши тизимини ислоҳ қилиш йулларини аниклашга ёрдам берди. Улардан асосийлари сифатида қуйидагилар аниқланган:

- марказий ва маҳаллий бюджетлар ўртасидаги ҳаражатлар ваколатларини янада аниқ чеклаш;
- умумдавлат солиқларининг салмоғини камайтириш ва маҳаллий солиқлар ролини ошириш;
- маҳаллий бюджетларни башорат қилиш услубларини ҳамда бажарилиши механизмларини такомиллаштириш;
- бюджетнинг барча даражаларида ва минтакаларда бюджет таъминланишида тенгликни кулга киритишга йўналтирилган трансфертлар тизимини ишлаб чиқиш. Республика иқтисодиётида давом этаётган иқтисодий ислохотлар солиқларни иқтисодий баркарорликни таъминловчи мухим восита сифатида уларни доимий ислох қилиб боришни талаб қилади. Ҳозирги кунда аҳолининг даромадларининг салмоғли хиссаси хусусий секторда шаклланмокда. Давлат томонидан бу дармомадларни бошқариш имкониятлари чекланган, бу даромадларни маъмурий тарзда давлат ҳаражатларига йуналтириш бозор иқтисодиёти принципларига зид. Факатгина солиқлар орқали аҳоли даромадларини бюджет даромадларига жалб қилиш мумкин.

Шундай қилиб, битирув малакавий ишимизнинг биринчи параграфи доирасида мавзу олдидаги биринчи вазифани имкон даражасида ёритишга ҳаракат қилдик. Мана шу назарий ечимлардан биз илмий ишимизни

навбатдаги параграфига ўтамиз. Энди бизнинг олдимизда, юқорида таъкидлаганидек иккинчи вазифа маҳаллий бюджет ресурсларини бошқариш хусусиятларини имкон даражасида ўрганиб чиқишни ва унинг замирида муайян хулосалар чиқаришга ҳаракат қиламиз.

## 1 .2 Молиявий ресурсларини ўзига хос хусусиятлари

Молиявий ресурслар орқали ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши молиявий маблағлар билан таъминланиб боради. Маҳаллий бюджетлар Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимининг асосий қисми сифатида 14 та мустақил бюджетни мужассамлаштиради.

Ўзбекистон Республикасида ижтимоий - иқтисодий ислохотлар янада чуқурлаштирилган даврда, ижтимоий хаётимизнинг барча соҳаларида бўлгани каби молия, бюджет сохасида ҳам чуқур ўзгаришларни амалга ошириш хозирги куннинг асосий талабидир.

Ўзбекистон демократик давлат қуришни ўз олдига вазифа қилиб куяр экан, бунда давлат бюджетини шакллантириш мухим ўрин тутади. Иқтисодиётда бозор муносабатлари аста - секинлик билан шаклланиб ва ривожланиб бораётган бир пайтда давлатнинг доимий вазифаларини бажариши учун марказлашган молиявий маблағларга эга бўлиш заруриятı кучайиб боради.

Демократик давлат тузилишининг мухим таркибий қисми маҳаллий давлат бошқарув органлари ва уларнинг фаолияти хисобланади. Маҳаллий давлат бошқарув органлари ўзларига юклатилган вазифаларни бажариш учун, муайян мулк ва молия - бюджет хукукига эга бўлиши шарт. Маҳаллий хокимият идоралари хокимлари, халк депутатлари кенгашлари ўз ваколатлари доирасида давлат молия фаолиятини амалга оширадилар.

Ҳудудий давлат бошқарув органлари молиявий тизимининг асосий таркибий қисми - бу маҳаллий бюджет хисобланади.

«Маҳаллий давлат хокимият идоралари тўғрисида»ги Қонуннинг II - моддасига мувофик «Вилоят, туман, шаҳарнинг молиявий ресурсларини бюджет маблағлари, бюджетдан ташқари фондлар, кредит ресурслари шунингдек Республика (вилоят, Тошкент шахри) бюджетидан ажратилган субвенциялар ва дотациялар ташкил этади»

Маҳаллий бюджет – давлат бюджетининг тегишли вилоят, туман, шаҳар пул маблағлари жамгармасини ташкил этувчи бир қисми бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратилган маблағлар сарфи йуналишлари ва миқдори назарда тутилади.

***1- расм***

**Ҳудудий молиявий ресурсларнинг шаклланиш схемаси**



*2-расм*

**Маҳаллий солиқлар ва йиғимларнинг турлари**




Маҳаллий бюджетлар орқали маҳаллий ҳудудларни ижтимоий - иқтисодий жихатдан ривожлантиришни молиявий манбалар билан таъминлаб борилади. Сўнгги йилларга келиб, маҳаллий бюджетлар Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети тизимининг асосий қисми сифатида маҳаллий бюджетлар ҳаражатларининг давлат бюджети ҳаражатларидаги салмоғи 65 фоизини ташкил қилди.

Маҳаллий бюджетлар ҳаражатларининг кейинги йилларда илдамроқ ўсиб бориши уларнинг давлат бюджетидаги салмоғини ҳам ошиб боришига олиб келган, бунга сабаб асосан 1995 йилдан бошлаб маҳаллий бюджетлар томонидан олдинги йилларда Республика бюджети хисобидан

молиялаштириб келинган кадрлар ва мутахассислар тайёрлаш, яъни ўрта махсус ўқув юртлари ҳаражатларини молиялаштирилишини берилиши давлат капитал қўйилмаларининг ҳудудлар молиявий ресурслардаги хажмини ортиб бориши хисобига ҳамда 1994 йилдан давлатнинг аҳолини ижтимоий химоя қилиш ҳаражатларининг кескин ошиб бориши ва ҳаражатларни молиялаштириш асосан Ҳудудлар молиявий ресурслар томонидан амалга оширилиши ҳам маҳаллий бюджетлар ҳаражатларининг салмоғининг ошишига олиб келди.

Ҳудудлар молиявий ресурслар орқали халк таълими, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт муасассаларини, маҳаллий хокимият бошқарув органларини, кам таъминланган оилаларга бериладиган нафакалар молиялаштириб борилади. Шу билан бирга ҳудудлар молиявий ресурслар аҳолини ижтимоий химоя қилиш борасида давлатнинг олиб бораётган сиёсатининг жойлардаги асосий таянчи хисобланади. Аҳолини ижтимоий химоя қилиш ҳаражатларининг деярли 100 фоиз маҳаллий бюджетлар томонидан молиялаштирилади.

Маҳаллий бюджет ҳаражатлари объектив иқтисодий категория бўлиб, икки томонлама хусусиятга эга. Биринчидан, у халқ хўжалиги тармоқларини молиявий таъминлашга қаратилган ҳаражатлардан иборат. Иккинчидан эса бу ҳаражатлар корхоналарнинг даромадидан ташкил топади. Ҳудудлар молиявий ресурслар маблағларини эгаси сифатида амалдаги меъёрий хужжатларга асосланиб, умумий хажми бюджет тўғрисидаги қонунда белгиланган микдорда пул маблағларини ажратади. Бюджет ҳаражатларига давлат хокимияти, давлат бошқарув идоралари, молия-кредит идоралари тизими орқали таъсир тегишли маблағларга эхтиёж сезилган пайтдан то уларни сарф-ҳаражат қилгунга қадар бўлган бутун давр давомида юз бериб туради.

Маҳаллий бюджетлар Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимининг таркибий қисми сифатида куйидаги тамойиллар асосида бошқарилади:

- қонунчилик базасини унификациялаш;
- пул тизими курилиши, бюджетни классификациялаш тизими, бюджетнинг хисоб-китоб тизими, бюджет жараёнининг бирлиги;
- бюджет қурилишини маъмурий-ҳудудий булинишига мослиги;
- давлат бюджетини ташкил қилувчи бюджетларни ўзаро боғлиқлиги;
- давлат даромадлар ва ҳаражатларининг тенглиги (йўл куйилиши мумкин бўлган бюджет такчиллигини хисобга олган ҳолда)
- давлат даромадлари ва ҳаражатларининг аниқ манбалари ва йуналишларини режалаштириш;
- давлат бюджетининг ҳаражатларини бюджет тизимининг қонунига кўра амалга ошириш;
- капитал ва жорий ҳаражатларни бир-биридан ажратиш;
- бюджетларнинг мустақиллиги;
- тўғрилиги;
- хисоботларнинг бюджет ижросининг тўғри бажарилиши устидан назорат.

Маҳаллий бюджет даромадлари манбалари, уларнинг ташкил топиши ҳамда нисбатлари, «Ўзбекистон Республикаси солиқ кодекси» ва «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонунда маҳаллий бюджет даромадларининг манбаи кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонунининг 36-моддасида кўрсатилишича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва бошқа молия органлари Давлат бюджети унинг тузилмасига кирувчи бюджетларнинг қонун хужжатларида белгиланган кўрсаткичлар доирасида бажарилиши учун жавобгардир. Давлат бюджети даромадлари ва ҳаражатларини бошқариш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрдаги «Маҳаллий давлат хокимияти идоралари тўғрисида» ги қонуннинг 3-бобида (11-15-

моддалари) маҳаллий давлат хокимияти идораларининг молиявий асослари кўрсатиб берилган. Ушбу қонуннинг 12-моддасида кўрсатилишича вилоят, туман, шаҳар кенгашлари тегишли бюджетларни тасдиқлайдилар.

Вилоят молия бошқармалари ҳудудлар молиявий ресурсларнинг ижро этилишини таьминлайди ва маҳаллий бюджетни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг қонун хужжатларида белгиланган ваколати доирасида ижро этадилар.

Ҳар қандай иқтисодий ҳолатга қарамай давлат ўз мавжуд бўлишининг энг мухим омили унинг ўз олдида турган вазифаларини бажариш учун етарли бўлган молиявий маблағга эга бўлишидадир. Бу масалада давлат бюджет тизимининг мухим бугини бўлган маҳаллий бюджетлар даромадларини шаклланишининг ўзига хос жихатлари мавжуд. Бу ўзига хослик маҳаллий бюджетларнинг ўз ҳудудлари доирасида амалга оширадиган вазифаларидан келиб чиқади.

Шундай қилиб, юқоридаги фикр мулоҳазаларимиздан кўриниб турибдики, ҳудудий бюджет ресурсларини бошқариш хусусиятлари мана шу омилларга боғлиқ экан. Бу омилларни ҳаммаси Ҳудудлар молиявий ресурсларини бошқаришнинг хорижий тажрибаси зарурлигини кўрсатаётир. Демак, битирув малакавий ишимизнинг кейинги вазифаси ҳудудий бюджет ресурсларини бошқаришда чет эл тажрибаларини ўрганиб ўтишни лозим топдик.

## 1.3 Молиявий ресурсларини шакллантириш ва бошқариш юзасидан хориж тажрибаси

Кўпгина хорижий мамлакатларида ҳудудлар молиявий ресурсларининг даромадларини шаклланиши ҳар бир ҳолати қатъий қоидаларга буйсиндирилган.

Ҳудудий бюджетларни тузиш бўйича қонун асосида белгиланган тамойилларга амал қилишлари лозим. Улардан асосийлари бюджетнинг

умумий баланстирилаштирилганлиги ва бюджетнинг тўлиқлиги тамойиллари хисобланади. Бошқача айтганда, бу лойиҳада барча мўлжалланаётган даромад ва ҳаражатлар ўз аксини топиши керак.

Дунёнинг кўпгина мамлакатларида, жумладан Германияда солиқлар давлатнинг асосий иқтисодиётга таъсир этувчи мухим восита бўлиб хисобланади. Шунинг учун мамлакат иқтисодиётида кўп тармоқли ва турли туман солиқлар тизими амал қилади. Умумий ҳолда 50 дан ортиқ солиқлар мавжуд. Германияда турли даражадаги бюджетларни тўлдирувчи даромад манбаси сифатида солиқлар федераль, земель, ҳамкорликдаги (федераль ва земель), муниципаль ва черков солиқларга блинади. Федераль солиқлардан бошқа бюджетларга ажратмалар қилинмайди.

Земеллар бюджетларини шакллантиришда земель солиқлари, федерация билан ҳамкорликдаги солиқлардан улушлар, ҳамда фаолият солиқларидан улушлар хисобланади.

Буюк Британия, Испанияда ҳар бир маъмурий- ҳудудий бирликлардаги жон бошига тўғри келадиган даромадлардан келиб чиккан ҳолда, марказий хокимиятлар бюджетдаги солиқ тушумлари сохаси буйича ҳудудий органлар бюджетларини корректировка қилишда ҳам иштирок этади. Жон бошига уртача даромади юқори бўлган худдудий органлар бюджетларидаги солиқ тушумларининг бир қисми марказий хокимият органлари томонидан олиниб даромад даражаси паст бўлган ҳудудларга йуналтирилиши мумкин.

Ҳудудий бюджет даромадлари маҳаллий солиқлар ва йигимлар, солиқдан ташқари тўловлар, юкори бюджетдан ажратмалар хисобидан шаклланади. Ушбу даромадлар манбалари ўртасидаги мутаносиблик ҳудудий бошқарув органларига юклатилган вазифалар, улар томонидан маҳаллий солиқларни йигиш имконияти, шунингдек марказий хокимият органлари томонидан ҳудудларга молиявий ёрдам кўрсатиш имкониятига боғлиқ булади. Халкаро тажриба шуни кўрсатадики, иқтисодий жихатдан ривожланган мамлакатларда ҳудудий бюджетлар улуши давлатнинг умумий

ресурслари хажмида юқори улушни ташкил этади. Масалан Португалияда бу кўрсатгич ЯИМ га нисбатан 3 %, Норвегияда- 15 %, Швецияда эса- 31 % ни ташкил этади.

Солиқлар- ҳудудий бюджетлар даромадининг асосий манбаи. Бюджетларга тушадиган барча солиқларни икки гурухга бўлиш мумкин: маҳаллий солиқлар ва юкори бюджетдан келадиган ажратмалар.

Ҳар бир мамлакатнинг солиқ қонунчилигига асосан маҳаллий солиқлар ҳудудий бюджетларнинг муайян турларига бириктирилган. Ушбу солиқ ставкалари одатда маҳаллий бошқарув органлари томонидан белгиланади. Турли давлатларда бундай солиқларнинг сони 20 тадан 100 тагача, уларнинг улуши эса ҳудудий бюджетлар даромадларидаги улуши эса 30 % дан 70 % гача бўлган улушни ташкил этади.

Маҳаллий солиқлар ҳам тўғри ва эгри солиқлардан иборт булади. Тўғри солиқларга солиқ тўловчининг даромадидан ёки мулкидан олинадиган солиқлар киради. Эгри солиқлар эса товар ва хизматларни сотиш (сотиб олиш) вактида олинадиган солиқлардан иборат.

Гарбий Европада маҳаллий солиқлар тизимида тўғри солиқлар катта улушини ташкил этади: жами солиқ тушумларнинг70-75 % даромад, фойда ва мулк хисобидан олинадиган солиқлар улушига тўғри келади. Истеъмолдан олинадиган солиқлар 3-4 % ни ташкил этади, бошқа солиқлар 20 % ни ташкил этади. Японияда тўғри солиқлар улуши 85 % ни, эгри солиқлар эса 15 % ни ташкил этади.

Тўғри солиқлар ичида фойда ва даромад ҳамда турли мулк солиқлари таркиби анча фарк қилади: скандинавия мамлакатларида барча солиқ тушумларининг 80-90 % даромад ва фойда солиғи хиссасига тўғри келади; Белгия, Германия, Австрияда бу курсатгич 50 % дан ошмайди. Бошқа мамлакатларда эса ҳудудий органлар бюджетларидаги солиқ тушумларнинг асосий қисми турли шаклдаги мулклардан олинадиган солиқлар хисобидан шаклланади. Жумладан Ирландияда ягона маҳаллий солиқ хисобланади;

Нидерландияда жами солиқ даромадларининг2/3 қисмини шу солиқлар ташкил этади; Японияда 48 % солиқ даромадларини турар бинолари учун солиқлар ва 21 % ни кўчмас мулк учун солиқлар ташкил этади.

Шунингдек маҳаллий солиқларга юкори бюджетларга бириктирилган солиқ турларига ҳудудий бошқарув органлари томонидан қўлланиладиган устамалар ҳам киради. Устамалар миқдорини ҳудудий бошқарув органлари белгилайди. Кўпинча бундай устамалар даромад солиғига, ер солиғига, кушилган киймат солиғига нисбатан қўлланилади.

Даромад, фойда ва мулк солиғи билан бир каторда бюджет тўлдирувчи бошқа солиқ ва тўловларни ҳам жорий этадилар. Бундай солиқлар ставкалари юқори бўлмасада муниципиалитетлар учун бу даромад манбалари ҳам муҳим аҳамият касб этади. Кўпинча кўчмас мулк билан боғлиқ битимларни расмийлаштириш учун солиқ; пештахта ва кучадаги реклама учун; итлар учун; маданий тадбирлар учун (фестиваллар, спорт мусобақалари ва бошқалар); ўйин автоматлари учун; хисоблаш техникасини қайта сотишдан солиқ каби қўшимча маҳаллий солиқ турлари ҳам қўлланилади.

Францияда кўпчилик шаҳарларида коммунал жамоат транспортига солиқ белгиланган. Одатда у аҳоли сони 30 мингдан юқори бўлган шаҳарларда қўлланилади. Бу солиқни ёлланиб ишловчилар сони тўққизтадан юқори бўлган барча корхоналар тўлайди. Маҳаллий хокимият органлари аҳоли билан келишилган ҳолда бошқа вақтинчалик ва доимий солиқлар-йўллар қуввати учун, тротуарлар қуриш учун, кўчаларни супуриш учун ва бошқа солиқлар ҳам жорий этишлари мумкин.

Бир қатор мамлакатларда ахлатни ташиш учун, электр-энергиядан фойдаланганлик учун ва шу каби бошқа кўшимча солиқ турлари қўлланилади. Йўл қоидаларини бузганлик ва экология талабларига риоя этмаганлик учун қўлланиладиган катъий жарималар ҳам маҳаллий бюджетлар даромадларини ошириш имконини беради. Бироқ қўшимча солиқлардан тушадиган даромадларнинг умумий хажами нисбатан жуда кам.

Ҳудудий бюджетларнинг солиқдан ташқари тўловлардан иборат бўлган даромадлари асосан муниципаль мулк бўлган корхоналар ҳисобидан олинадиган даромадлар, ижара даромадлари, пул йиғимлари, ҳар хил жарималар, божлар, корхоналар ва аҳолининг ихтиёрий тўловларини ўз ичига олади. Солиқдан ташқари тўловлар ҳудудий бюджет даромадида жуда кам улушни эгаллайди. Уларнингулуши турли мамлакатларда 10 % дан 30 % гача бўлган даражада ўзгариб туради.

Америка Қўшма Штатлари иқтисодий сиёсати эркин бозор муносабатларига асосланади. Оддий Американиклар ва Америка компанияларининг нима сотиб олиш, нимага пул солиш, уни тежаш ёки сарфлашни ўзлари хал қилиши уларнинг иқтисодий тизими учун жуда катта аҳамиятга эга. Мамлакатнинг ташки иқтисодий алоқаларида уларнинг сиёсати чет эл бозорларини ўзлаштиришни рағбатлантиришдан иборат. Бу энг йирик экспортчи бўлган Қўшма Штатлар учун ҳам, бутун дунё учун ҳам жуда катта фойда келтиради. Сармоя эркин равишда бир жойдан иккинчи жойга ўтиб туриши натижасида иш ўринлари ва бойлик яратилади.

АҚШ иқтисодиёти 90-йилларнингбошларида жиддий пасайиш даврини бошидан кечирган эди. 1993 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб кутилмаганда тез сурьатлар билан иқтисодий ўсиш бошланди. Бунга 1992 йил февраль ойида Президент Б. Клинтоннинг Конгрессга киритган иқтисодий дастўрини амалга ошириш ёрдам берди. Дастурда ривожланишнинг учта ососий йуналиши белгиланган эди;

- иш билан бандликнинг зудлик билан ўсишини таъминлаши керак бўлган қисқа муддатли иқтисодий рағбатлантириш чораларини ишга солиш;
- инфратузилмага, энергетикага, янги технологияларга, атроф-мухит мухофазасига, соғлиқни сақлашга, таълимга, ишчи кучини тайерлашга ҳамда мамлакат иқтисодиёти учун хаётий мухим бўлган бошқа сохаларга узок муддатли аниқ мақсадга қаратилган инвестициялар бўйича бир туркум таклифларни амалга ошириш;

- солиқларни кўпайтириш ва хукумат ҳаражатларини, шу жумладан, ҳарбий эхтиёжлар, ижтимоий дастурлар ва давлат аппаратини сақлаб туриш ҳаражатларини камайтириш хисобига бюджет тақчиллигини қискартириш.

АҚШ –федерал давлатдир. Шу сабабли, мамлакатда солиқ тизими уч босқичли бўлиб, федерал солиқлар, штатларнинг солиқлари ва маҳаллий солиқларни ўз ичига олади.

Федерал ҳаражатлар умумдавлат ҳаражатларининг тахминан 60 фоизини ташкил этади. 40 фоизи эса штатлар ва маҳаллий хокимият идораларининг бюджетларига тўғри келади. 1995 йилда бюджетлар орқали ЯММнинг25 фоизга якини қайта тақсимланди.

Федерал бюджет таркибида юридик ва жисмоний шахсларда олинадиган даромад солиғи 54,3 фоизни (юридик шахсларда 9,3 фоиз, жисмоний шахслардан 45 фоиз), акцизлар 6,3 фоизни, совғалар ва меросдан олинадиган солиқ 1 фоизни, иш берувчилар билан оқимлар томонидан баравар тўланадиган ижтимоий таъминотга ажратмалар 27,6 фоизни, бепул тиббий ёрдамга ажратмалар 7 фоизни, иш берувчилар томонидан тўланадиган ишсизлик нафақаларига ажратмалар 2 фоизни ташкил қилади. Федерал бюджетнинг ҳаражатлар қисми 20 та асосий бюджет тоифаларига, шу жумладан, миллий мудофаа , халқаро ишлар, қишлоқ хўжалиги, транспорт, энергетикани ривожлантириш, соғлиқни сақлаш, ижтимоий суғурта ҳаражатларига, давлат қарзи бўйича фоизлар тўлашга ва хоказоларга бўлинади.

Штатларнинг бюджетларига солиқ тушумларининг умумий хажмида жисмоний ва юридик шахслардан олинадиган даромад солиғи 39 фоизни, махсулот сотишдан олинадиган солиқ 49 фоизни, юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган мулк солиғи 2 фоизни, фойдали казилмаларни казиб чиқарганлик учун табиий ресурсларнинг мулкдорлари томонидан тўланадиган солиқ 2 фоизни, лицензияланадиган фаолият билан шуғулланиш

ҳуқуқини берганлик учун олинадиган лицензия йиғимлари 6 фоизни ташкил қилади.

Муниципиал маъмурлар жисмоний шахсларга даромад солиқлари, акцизлар, компаниялардан лицензия йиғимлари, касб учун солиқ, фойдали казилмаларни казиб чикарганлик учун солиқ, жисмоний ва юридик шахсларнингмол-мулкига солиқ солишлари мумкин. Бу солиқлар баъзи маҳаллий бюджетларда 75 фоизга етади.

Шу ўринда Япония мамлакатини ҳам кўриб ўтадиган бўлсак, бу давлатда молия тизими марказий хукумат бюджети (уммумий хисоб ракам), маҳаллий хокимиятлар бюджети ва махсус фондлар шунингдек марказий ва маҳаллий хокимиятларга тегишли муассасалар, хизматлар ва копорациялар хисоб ракамларини ўз ичига олувчи махсус хисоб рақамлардан иборат.

Японияда бюджет йили 1 апрелдан 31 мартгача давом этади. Бюджет даромадлари ва ҳаражатлари бўлимлар, моддалар ва параграфларда гурухланади. Жумладан даромадлар 7 бўлим ва 43 параграфга, ҳаражатлар 13 бўлим, 41 модда ва 242 параграфга бўлинади.

Бюджет лойихасини тайёрлаш Молия вазирлиги ва унинг департаментлари томонидан амалга оширилади. Бошқа вазирликлар ўз бюджетлари хажми ва тузилишига, бошқа молиявий масалаларга тегишли таклифларни 31 августгача Молия Вазирлигининг бюджет департаментига жўнатишлари шарт.

Сентябрдан декабр ойигача бюджет департаменти келиб тушган маълумотларни кўриб чиқади ва шулар асосида бюджет лойихасини ишлаб чиқади. Ушбу лойиха тасдиқлаш учун иқтисодий Режалаштириш бошқармасига, сўнгра Вазирлар Махкамасига жўнатилади.

Тузатишлар киритилгандан сўнг январ ойида хукумат бюджет лойихасини парламентга кўриб чиқиш учун тақдим этади. Бюджет комиссиясидаги мухокамадан сўнг парламент бюджетни қонун шаклида тасдиқлайди.

Япония конституциясига мувофиқ давлат молиявий манбаларини тақсимлаш хуқуқи парламентга тегишлидир.

Бюджет бажарилиши Молия вазирлиги ва бошқа вазирликлар томонидан амалга оширилади.

Бюджетнинг касса хизмати Япония банки ва унинг бўлимлари томонидан амалга оширилади. Вазирликлар ва муассасалар уларга белгиланган ҳаражатлар доирасида Молия вазирлигига ўзларининг тўлов сметаларини тақдим этади. Ушбу смета Молия вазирлиги томонидан кўриб чиқилади ва тасдиқланади. Ушбу сметаларнинг нусхаси Япония марказий банкига жўнатилади ва шу асосда тегишли операциялар бажарилади.

Тасдиқланган бюджет ассигнованиялари ҳаражатлари назорати вазирликлар ва муассасалар томонидан ҳар чоракда тақдим этиладиган хисоботлар орқали назорат қилинади. Молия вазирлиги назоратчилари олинган хисоботларни ўрганиб чиқадилар, маълумоларни текшириб бюджет ҳаражатлари ва даромадлари тўғрисида умумий хисобот тузадилар.

Умумий хисобот хукуматга тақдим этилади ва ўз навбатида тафтиш бошқармасига жўнатилади. Тафтиш бошқармаси хулоса бергач, хисобот хукумат томонидан тасдиқланади ва парламентга кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун берилади.

Японияда 3045 шаҳар, поселка, районни бирлаштирувчи ва ўз мустақил бюджетига эга бўлган 47 префектура мавжуд.

Маҳаллий бюджетларнинг даромад қисми солиқ ва солиқсиз тушумларидан ташкил топади.

1990 йил маҳаллий хокимиятлар умумий даромади 80,41 трлн.иенни ташкил этди. Шулардан солиқ тушумлар 33,45 трлн.иен ёки маҳаллий бюджет даромадларининг 41,6 фоизни, 14,33 трлн.иен ёки 17,8 фоиз умумий давлат солиқларига ажратмалар, 10,65 трлн.иен ёки 13,2 фоиз умуммиллий тадбирлар утказиш учун давлат дотациялари, колган 21,98 трлн.иен ёки 27,3 фоиз маҳаллий бюджет даромадлари бу солиқсиз тушумлар ташкил этди.

Маҳаллий солиқлар тўғрисидаги қонун Ушбу солиқлар турлари ва фоиз ставкаларини белгилаб беради, колган қисмда бошқарув маҳаллий хокимиятлар томонидан амалга оширилади. Японияда 30 маҳаллий солиқлар бор.

Юридик шахслар давлат даромад солиғининг12,3 фоиз миқдорида префектура даромад солиғи тўлайди. Бундан ташқари тадбиркорлик фаолияти учун солиқ тўлови ҳам ҳудудлар молиявий ресурслар манбаларидан биридир. Фоиз ставкаси 10,71 фоиз.

Жисмоний шахслар даромад суммасидан келиб чиққан префектура даромад солиғини 5, 10, 15 фоиз миқдорида ҳолда тўлайдилар. Бундан ташқари маҳаллий даромад солиқлари ҳам бор. Япониянинг ҳар бир фуқароси даромадидан катъий назар ҳар йили 3200 иен истикомат қилиш солиғи тулайди.

Тўғри солиқларга баъзи маҳаллий мулк солиқлари ҳам киради. Маҳаллий эгри солиқларга тамаки, бензин, ресторан ва барларга, электр энергия ва газ учун солиқлар киради.

Маҳаллий хокимиятлар маблағлари хисобидан Японияда ишлаб чиқариш инфраструктураси ривожланиши ва таббий офатларнинг олдини олиш учун ўтказиладиган чора тадбирлар молиялаштирилади. Бундан ташқари ҳудудлар молиявий ресурслар томонидан ишчи кучи тайёрлаш, турли хил нафақа ва ёрдам пуллари тўлашга ҳам маблағ ажратилади. Бюджет маблағларининг сезиларли қисми маҳаллий хокимиятларни (полиция, суд, прокуратурани) молиялаштиришга сарфланади.

Магистрлик диссертация ишимизни мазкур бобида биз, давлат бюджети ва бунда ҳудудлар молиявий ресурсларни ўрни, ҳудудий бюджет ресурсларини хусусиятлари ҳамда хорижий мамлакатлар тажрибаларини кўриб чиқишга ҳаракат қилдик. Ишнинг кейинги бобида бевосита ҳудудлар молиявий ресурсларини амалдаги ҳолатини кузатиш билан таҳлилларини олиб борамиз.

# II Боб. МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА ИШЛАТИЛИШИНИ БОШҚАРИШ

## 2.1 Молиявий ресурслари шаклланиши таҳлили

Маҳаллий бюджет, бюджет тизимининг қуйи қисми бўлишига қарамай давлат бюджети барқарорлигига катта таъсир кўрсатади. Маҳаллий бюджетлар орқали ахоли турмуши учун зарур бўлган кўплаб хизматлар молиялаштирилади. Бу эса республика ахолиси турмуш даражасига катта таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам маҳаллий бюджетларнинг даромад базаларини мустахкамлаш, ресурсларни минтакалар ўртасида қайта тақсимлаш ва иқтисодий, табиий, демографик ва минтақаларнинг бошқа турли хусусиятларини инобатга олган ҳолда, уларга давлат хизматларини кўрсатиш муаммолари жуда долзарб бўлиб бормоқда.

Бу муаммоларни ечишда фискал марказдан чиқариш (децентрализация) муҳим жихатлардан бири бўлмоқда. Бунда солиқлар таркиби ва даражасига оид қабул қилинган қарорлар ҳамда харажатлар йўналиши учун мажбурият маҳаллий хокимият органларига юкланади. Қабул қилинган қарорлар оқибатларига дахлдорлик молиявий ресурсларни янада самарали ишлатишга, аҳолига хизматларни сифатли кўрсатишга ва бюджетга ресурслар тўпланишини яхшилашга ундайди.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётни ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида ҳукумат иқтисодий сиёсатининг асосий йўналишларидан бири, маҳаллий бошқарув органларининг жамият ижтимоий – иқтисодиётдаги ролини ошириш ҳисобланади. Бу эса, ўз навбатида, маҳаллий бошқарув органларининг марказлашган пул жамғармаси бўлган маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини мустаҳкамлашни тақазо этади. Бу жараёнда марказий ўринни шубҳасиз, солиқ тушумларини республика

бюджети ва маҳаллий бюджетлар ўртасида тақсимлаш тартиби муҳим ишлардан биридир.

Ҳар бир маҳаллий бюджетнинг тартибга солувчи даромадлари миқдори камида уч молиявий йил мобайнида ўзгармайдиган меъёрий кўрсаткичлар шаклида белгилаб қўйилиши лозим. Кўрсаткичларни ишлаб чиқиш учун асос қилиб, илмий жиҳатдан асосланган ижтимоий нормативлар олиниши зарур. Бундай нормативлар ривожланган хорижий мамлакатлар амалиётида кенг қўлланилади ва улар бюджет харажатларининг оқилона даражасини белгилаш имконини беради.

Республикамиз амалиётида ҳудудий бюджет даромадларини қуйидаги жадвал ҳамда диаграмма маълумотлари асосида таҳлилларини кўриб ўтамиз.

**1-жадвал**

**2008 – 2010 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетлар бўйича даромадлар, ҳамда республика бюджетидан ажратиладиган дотацияларининг чегаравий миқдори ижроси[1]**

**(млн.сўм)**

| Ҳудудларнинг номи | 2008 йил | | | | 2009 йил | | | | 2010 йил | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Даромадлар | | Дотация ва мақсадли субвенциялар | | Даромадлар | | Дотация ва мақсадли субвенциялар | | Даромадлар | | Дотация ва мақсадли субвенциялар | |
| | Сумма | Фоиз | Сумма | фоиз | Сумма | фоиз | Сумма | фоиз | Сумма | фоиз | Сумма | фоиз |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 76 349,10 | 4,6 | 41 412,80 | 24,4 | 101 626,90 | 4,8 | 46 108,20 | 21,3 | 79122,1 | 3,7 | 0 | 0 |
| Андижон в-ти | 121 706,90 | 7,3 | 28 746,80 | 17,0 | 151 063,40 | 7,2 | 39 689,30 | 18,4 | 121527,8 | 5,7 | 0 | 0 |
| Бухоро в-ти | 101 688,90 | 6,1 | 0 | 0 | 128 761,00 | 6,1 | 0 | 0 | 173511,4 | 8,1 | 0 | 0 |
| Жиззах в-ти | 47 468,80 | 2,8 | 26 767,10 | 15,8 | 63 279,50 | 3,0 | 31 574,40 | 14,6 | 49156,7 | 2,3 | 32683 | 25,6 |
| Қашқадарё в-ти | 158 694,00 | 9,5 | 0 | 0 | 204 986,80 | 9,7 | 0 | 0 | 270784,8 | 12,6 | 0 | 0 |
| Навоий в-ти | 68 222,30 | 4,1 | 0 | 0 | 80 285,50 | 3,8 | 0 | 0 | 107611 | 5,0 | 0 | 0 |
| Наманган в-ти | 107 751,50 | 6,5 | 33 156,50 | 19,6 | 139 170,10 | 6,6 | 39 679,30 | 18,4 | 97464,4 | 4,5 | 56480 | 23,7 |
| Самарқанд в-ти | 191 588,90 | 11,5 | 0 | 0 | 246 019,10 | 11,7 | 0 | 0 | 146070 | 6,8 | 0 | 0 |
| Сурхондарё вилояти | 109 069,90 | 6,5 | 27 042,30 | 16,0 | 134 054,60 | 6,4 | 40 465,40 | 18,7 | 94401,9 | 4,4 | 54460 | 22,7 |
| Сирдарё вилояти | 55 655,70 | 3,3 | 0 | 0 | 68 336,70 | 3,2 | 0 | 0 | 67885,7 | 3,2 | 0 | 0 |
| Тошкент вилояти | 157 204,70 | 9,4 | 0 | 0 | 194 102,90 | 9,2 | 0 | 0 | 254082,6 | 11,8 | 0 | 0 |
| Фарғона вилояти | 188 393,30 | 11,3 | 0 | 0 | 243 929,50 | 11,6 | 0 | 0 | 325439,1 | 15,1 | 0 | 0 |
| Хоразм вилояти | 86 007,40 | 5,2 | 12 378,50 | 7,3 | 107 299,30 | 5,1 | 18 672,70 | 8,6 | 93172,5 | 4,3 | 0 | 0 |
| Тошкент ш. | 196 562,60 | 11,8 | 0 | 0 | 239 953,50 | 11,4 | 0 | 0 | 268092,9 | 12,5 | 0 | 0 |
| **Жами** | **1 666 364,00** | **100** | **169 503,90** | **100** | **2 102 868,80** | **100** | **216 189,30** | 100 | **2148323** | **100** | **143624** | 100 |

1 Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг йиллик ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

1 – жадвал маълумотларидан, кўриниб турибдики 2008 йилда худудларнинг бюджетлари даромадларини юқори кўрсаткичи Тошкент шаҳрида кузатилди, бу кўрсаткич 2008 йилда 196 562,60 млн.сўмни ташкил этган, 2009 йилда 239953,50 млн.сўмга, 2010 йилда 268 092,9 млн.сўм га ўсганлиги кузатилди. Демак, 2008 – 2010 йиллар давомида 52167,425 млн.сўмга ошганлиги яъни, йилдан йилга ўсиш тенденцияси кузатилди. Жадвалдан кўриниб турибдики, Тошкент шаҳри республика бюджетидан ҳеч қандай дотация ҳамда субвенция олмаган. Бу албатта ижобий ҳолат ҳисобланади.

Тошкент шаҳридан кейинги ўсиш суръатлари Фарғона вилояти эканлиги аниқланди. Бу вилоятда 2008 йилда 188 393,30 млн.сўмни, 2009 йилда 243 929,50 млн.сўмга, 2010 йилда 325439,1 млн.сўмга ортиб борганлиги кузатилди. Фарғона вилоятида 2008–2010 йиллар давомида 104074,1 млн. сўмга ортгани яъни йилдан – йилга ўсиш суръатлари аниқланди.

2008-2010 йиллар оралиғида Тошкент вилоятида Самарқанд вилоятларидаги кўрсаткичлар яхши баҳоланди. Демак, шуни айтиш жоизки, республикамизнинг турли вилоятларидаги кўрсаткичларни қанчалик юқори ёки паст бўлиши ўша вилоятлардаги иқтисодиётининг кичик ва ўрта бизнес субъектлари бўйича олиб борилган тадбирларга боғлиқлиги кузатилди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, тадбиркорларнинг даромад солиғи маҳаллий бюджетларнинг даромад кисми учун истикболли ва баркарор манба сифатида муҳим аҳамият касб этиб колади. Бу нарса жисмоний шахслар даромад солиғининг маҳаллий бюджетлар даромад қисмини янада оширишда катта ахамиятга эга эканлигидан далолат беради.

Маҳаллий солиқларнинг асосий параметрлари (ставкалари, базаси, енгилликлари) Вазирлар Махкамаси томонидан белгилангани ҳолда уларни йиғиш ҳудудларда амалга оширилади. Шунинг учун баъзи солиқларни йиғиш жуда муаммога айланмокда, чунки базасини аниқлаш жуда қийин ёки уларни йиғиш билан боғлик харажатлар шу солиқларнинг суммаларидан ошиб кетмокда. Хусусан, автотранспорт воситаларини олиб сотганлик учун солиқ жуда қийин йиғилувчан солиқ ҳисобланади, чунки базасини аниқлаш жуда мураккабдир. Кўпгина

туманларда ушбу солиқлар жуда кам тушмоқда ёки умуман тушмаяпти. Бозорлардан йиғиладиган бир марталик патта йиғимлари хам жуда харажат талаб йиғимлардандир. Шу туфайли маҳаллий бюджетлар даромад базасини реал мустахкамлаш нуктаи назаридан ушбу соликлар керакли талабга жавоб берадиган манба бўла олмайдилар.

Ушбу йўналишда маҳаллий хокимият органларининг ўз солиқ потенциалларини (салохиятини) ошириш ва солиқ тўловчилар сонини кичик корхоналарни кўпайтириш хисобига ошириш, тадбиркорлик билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг сонини ошириш ва улар даромадларини назорат қилиш механизмининг самарадорлигини кўтариш хисобига бюджет манфаатдорлигини ошириш муҳим йўналиш хисобланади.

Турли даражадаги бюджетлар ўртасида даромадларни тақсимлаш, бюджетларни шакллантиришда солиқлардан фойдаланиш механизмини умумлаштириб шуни айтиш мумкинки, ушбу механизм солиқларни умумдавлат ва маҳаллий солиқларга ажратилишига асосланган. Зеро, шунга ўхшаш ҳолатларни ўтиш иқтисодиётини бошдан кечирган ва кечираётган кўплаб давлатларда учратиш мумкин. Маҳаллий бюджетлар даромадларининг асосий салмоқи бюджетлараро тартибга солиш каналлари орқали, нормативлари ҳар йили қайта кўриб чиқиладиган умумдавлат солиқларидан ажратмалар нормативлари асосида шакллантирилади. Бунда нормативларни вилоятлар ва солиқлар турлари бўйича аниқлашнинг ягона услубий ёндошуви мавжуд эмас, бу эса уларнинг вилоятлар бўйича анчагина тафовутлар пайдо бўлишига олиб келмоқда. Солиқларни тақсимлашнинг амалда харакат қилаётган механизмига кўра вилоятлар орасида бюджет даромадларининг киши бошига тўғри келадиган хажмлари бир-биридан жуда катта фарқ қилиб қолмоқда. Маҳаллий бюджетлар такчиллигини қоплашга ажратиладиган субвенциялар эса бу тафовутга таъсир қилаётгани йўқ.

Бюджетлар ўртасида даромад ва харажатларнинг ҳар кандай кўринишдаги тақсимланиши вертикал ва горизонтал номутаносибликка олиб келиши мумкин.

Бюджетнинг вертикал номутаносиблиги (дисбаланси) - бу маҳаллий бюджетлар харажатларининг ўз манбаларидан оладиган даромадларидан ошиб кетишидир.

Бюджетнинг горизонтал дисбаланси эса турли даражадаги бюджетларда даромад ва харажат қолдикларининг ўзгариб туришидир.

Бюджет дисбалансининг мавжудлиги - бу фақат ўтиш даври давлатларига хос хусусият эмас. Хусусан, горизонтал дисбаланс харажатлар хажмига таъсир кўрсатадиган иқтисодий активликнинг, табиий ресурсларнингва демографик омилларнинг географик нотекис тақсимланиши оқибатидир. Маълумки, горизонтал ва вертикал дисбалансни тенглаштириш, текислаш мақсадида юқори бюджетлардан молиявий ёрдамларнинг турли шакллари ишлатилади. Булардан бири субвенциядир. Умумдавлат солиқларини тақсимлаш билан бир қаторда молиявий ёрдам бюджетлараро тартибга солиш ва ҳудудлар молиявий ресурсларни шакллантиришнинг воситаларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистонда иқтисодий салохияти паст бўлган вилоятларда умумдавлат ва маҳаллий солиқлар уларнинг ўз даромад базаларини шакллантиришлари учун камлик қилади, уларга юқори бюджетлардан дотация, субвенциялар ажратилади. Ажратилган дотация, субвенцияларнинг маҳаллий бюджетлар даромадларининг умумий хажмига нисбатан салмоғи 2008 йилда 24,6 %ни; 2009 йилда 10,1 %ни; 2010 йилда эса 10,2% ни ташкил этди. Маҳаллий бюжетларнинг режалаштирилаётган йилдаги солик ва солиқсиз йиғимлар ҳамда улар харажатлари ўртасидаги фарқга, яъни маҳаллий бюджетлар дефицитига субвенциялар ажратиш аввалдан шаклланиб қолган амалиётдир. Ҳар бир ҳудуд учун субвенциялар миқдори маҳаллий хокимият органлари ва молия вазирлиги ўртасидаги ўзаро келишув жараёнида аниқланади. Ушбу келишувлар ҳар икки томоннинг ҳам анчагина вақтни олади ва маҳаллий хукумат органларини ҳудудий даромадларини камайтиришга ва зарур харажатлари миқдорини оширишга ундайди. Ўзаро келишув жараёни алоҳида ҳудудларга нисбатан субъектив ёндошувдан холи эмас ва бу нарса баъзи ҳудудлар манфаатига зид келиши мумкин.

МДХ нинг кўпчилик давлатлари тақсимлаш ва қайта тақсимлаш услубининг мураккаблигини хисобга олиб аста-секин солиқ салохиятини ва харажатга эхтиёжни хисобга оладиган ягона услубиёт асосида тақсимлашга ўтишмоқда.

Бизнинг фикримизча, молиявий ёрдамнинг ана шу усулини қўллаш анча самаралироқдир. Бунинг учун биринчи босқичларда унча мураккаб бўлмаган хисоб-китоблар ишлатилиши керак.

Жаҳон тажрибасида субвенциялар мақсадли ёрдам сарасига киритилади. Бундай холатларда маҳаллий бюджетлар транзит счетлар ролини ўйнайди, чунки субвенциялар миқдори ва уни олувчилар хақида қарор юқори даражадаги қонунлар орқали қабул қилинади (масалан, болалар нафақасига, ҳудудий молиявий дастурларни молиялаштиришга).

Маҳаллий солиқлар маҳаллий хукуматлар бажарадиган вазифаларга қараб белгиланиб, уларга доимий ва тўлиқ бириктириб берилган.

Бозор муносибатларини шакллантириш жараёни ва тадбиркорликни қўллаб қувватлаш, турли шаклдаги мулкка асосланган иқтисодий муносибатларни ўрнатилиши натижасида маълум даражада солиқ тизимини ислох қилинишига олиб келди. Бунинг натижасида маҳаллий бюджетларнинг даромадлари базаси кенгайган бўлсада уларнинг харажатлар таркибидаги салмоғи камлигича қолмоқда.

Маҳаллий бюджетларнинг энг биринчи даромад манбаи бўлиб маҳаллий солиқлар ва йиғимлар хизмат қилади. Бу даромад турлари қонунчиликка асосан маҳаллий бюджетларга тўлиқ бириктирилган даромад манбаи ҳисобланади.

Магистрлик диссертация ишимизнинг ҳудудий бюджетларнинг даромадларини таҳлилида шунга амин бўлдикки, 2008–2010 йиллар давомида ўсиш тенденцияси аниқланди.

Шундай қилиб, ишнинг иккинчи боб биринчи параграфида биз маҳаллий бюджет даромадлари таҳлилини республикамиз миқёсида қай тартибда эканлиги билан танишдик ва тахлил асосида тегишли хулосалар чиқардик. Бизнинг фикримизча, таҳлиллар натижасида биз магистрлик диссертация ишимизнинг кейинги параграфи маҳаллий бюджетлар харажатларини муҳокама қилишга бағишлаймиз.

## 2. 2. Молиявий ресурсларда фойдаланишнинг таҳлили

Маҳаллий бюджет харажатларини бошқариш тартиблари Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, Вазирлар Махкамасининг қаролари ҳамда Молия вазирининг қатор йўриқномаларида белгилаб берилган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2001 йил 29 декабрдаги 130 - сонли буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини тузиш ва ижро этиш қоидалари” Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳамда ўзида бирлаштирилган Республика бюджети, Қоракалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетларни ва давлат мақсадли жамгармаларига тузиш ва ижро этиш тартибини белгилаб беради.

Бюджет ажратмаларини тасарруфчиларини молиялаштириш харажат бўлимлари, боблари, параграфлари, гурухлари бўйича (биринчи гурух бўйича – харажат тури, объект ва кичик объекти бўйича) амалга оширилади.

Бюджет ташкилотлари ва бюджетдан бошқа маблағлари олувчиларни молиялаштириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сон қарорида белгиланган.

Қоракалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджетларида йилнинг айрим даврларида даромадлар ва харажатлар ўртасида вужудга келадиган вақтинчалик касса тафовутларини қоплашга республика бюджетидан ссудалар берилиши мумкин.

Бюджет ссудаларини ажратиш тартиби “Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, маҳаллий бюджетларга бюджет ссудалари бериш ва олинган бюджет ссудаларини ўзиш тартиби тўғрисида”ги Низомда (2001 йил 19 июлда 1052-сон билан рўйхатга олинган) кўзда тутилган тартибда амалга оширилади.

Молия йили охирига Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар, Тошкент шаҳар бюджетлари, туман ва шаҳар бюджетлари ҳисоб варақларидаги маблағ қолдиқлари, шу жумладан ижтимоий-маданий ташкилотлар ва контингенти шахобчасини кенгайтириш режаси бажарилмаслиги оқибатида фойдаланилмаган қолдиқлар тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши,

вилоятлар ва Тошкент шаҳри хокимликлари, шаҳар ва туманлар хокимиятлари ихтиёрида қолади.

Тасдиқланган айланма касса маблағлари миқдоридан ортиқ маблағ қолдиғи республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджетлари бюджет маблағларининг эркин қолдиғи бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида”ги Конунни 32-моддасига мувофиқ фойдаланилиши мумкин.

Республика ҳудудларида 2002 йилнинг 1 январ ҳолатига сақланган эркин қолдиқ хажми ва 9-ойида даромадларнинг режадан ортиқча ундирилган миқдорлари хисобидан 2002 йил давомида 3821,4 млн.сум ва 9-ойида даромадларнинг режадан ортиқча ундирилган миқдорлари ҳисобидан 13597,2 млн.сўм 2002 йил давомида қўшимча тадбирларга йўналтирилган.

Қоракалпоғистон Республикаси бюджетида, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджетларида, шунингдек қуйи маҳаллий бюджетларда даромадлар билан харажатлар ўртасида вужудга келган ва айланма касса маблағлари хисобига, ўтган йиллар бюджети қолдиқ маблағлари ва жорий йилнинг аввалги чорагида даромадларнинг харажатлардан ошиш суммаси хисобига қопланмайдиган вақтинчалик касса тафовутларини қоплаш учун юқори бюджетлардан бюджет ссудалари берилиши мумкин.

Республика бюджетидан маҳаллий бюджетларга берилган ссудалар тўғрисида 2008 йил 1 январ ҳолатига 61853,2 млн.сум режалаштирилиб маблағ ажратилган, маҳаллий бюджетлардан 61208,6 млн.сумни қайтарилган ёки 644,6 млн.суми қоплаб берилмай қолган.

2010 йил давомида республика бюджетидан маҳаллий бюджетларга 42052,0 млн.сум режалаштирилиб маблағ ажратилиб тўлиқ қайтарилган

Бюджетлар ўртасидаги даромад ва харажатларнинг ҳар қандай кўринишидаги тақсимланиши вертикал ва горизонтал номутаносибликка олиб келиши мумкин.

Бюджет номутаносиблигининг мавжудлиги бу фақат давлатларнинг ўтиш даврига хос эмас. Хусусан, горизонтал номутаносиблик харажатлар хажмига таъсир кўрсатадиган иқтисодий активликнинг, табиий ресурсларнинг ва демографик омилларнинг нотекис тақсимланиши оқибатидир. Маълумки, горизонтал ва вертикал

номутаносибликни тенглаштириш, текислаш мақсадида юқори бюджетлардан молиявий ёрдамларининг турли шакллари ишлатилади.

Республикамизда иқтисодий салохияти паст бўлган ҳудудларда умумдавлат ва маҳаллий солиқлар уларнинг ўз даромад базаларини шакллантиришлари учун камлик қилади, уларга юқори бюджетлардан субвенциялар ажратилади.

Юқорида келтирилган манбалар, қуйидаги жадвал маълумотларидан олдинги йиллар маълумотлари эди. Биз энди фикримизни қуйидаги жадвал ва диаграммаларга қаратмоқчимиз.

**2-жадвал**

**2008 – 2010 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетлар бўйича амалга оширилган харажатлар рўйхати**[1]

**(млн.сўм)**

| **Ҳудудларнинг номи** | **2008 йил** | | **2009 йил** | | **2010 йил** | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | **Харажатлар** | | **Харажатлар** | | **Харажатлар** | |
| | **Сумма** | **фоиз** | **Сумма** | **фоиз** | **Сумма** | **фоиз** |
| **Қорақалпоғистон Республикаси** | 117 761,9 | 6,4 | 147 735,1 | 6,4 | 200463 | 6,6 |
| **Андижон вилояти** | 150 453,7 | 8,2 | 190 752,8 | 8,2 | 248640 | 8,2 |
| **Бухоро вилояти** | 101 688,9 | 5,5 | 128 761,0 | 5,6 | 173511 | 5,7 |
| **Жиззах вилояти** | 74 235,9 | 4,0 | 94 853,9 | 4,1 | 127765 | 4,2 |
| **Қашқадарё вилояти** | 158 694,0 | 8,6 | 204 986,8 | 8,8 | 270785 | 8,9 |
| **Навоий вилояти** | 68 222,3 | 3,7 | 80 285,5 | 3,5 | 107611 | 3,5 |
| **Наманган вилояти** | 140 907,9 | 7,7 | 178 849,4 | 7,7 | 238241 | 7,8 |
| **Самарқанд вилояти** | 191 588,9 | 10,4 | 246 019,1 | 10,6 | 321185 | 10,6 |
| **Сурхондарё вилояти** | 136 112,2 | 7,4 | 174 520,0 | 7,5 | 239716 | 7,9 |
| **Сирдарё вилояти** | 55 655,7 | 3,0 | 68 336,7 | 2,9 | 93713 | 3,1 |
| **Тошкент вилояти** | 157 204,7 | 8,6 | 194 102,9 | 8,4 | 254083 | 8,4 |
| **Фарғона вилояти** | 188 393,3 | 10,3 | 243 929,5 | 10,5 | 325439 | 10,7 |
| **Хоразм вилояти** | 98 385,9 | 5,4 | 125 972,0 | 5,4 | 168593 | 5,5 |
| **Тошкент ш.** | 196 562,6 | 10,7 | 239 953,5 | 10,3 | 268093 | 8,8 |
| **Жами** | **1 835 867,9** | 100,0 | **2 319 058,1** | 100,0 | **3037839** | 100,0 |

1 Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигиниг йиллик ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

2 – жадвал маълумотларига эътиборни қаратадиган бўлсак, 2008 йилда қилинган ҳаражатлар Тошкент шаҳри, Фарғона вилояти, Самарқанд вилояти, Тошкент вилояти ҳамда Қашқадарё вилоятларида аниқланди. 2009 йилда ҳам шу ҳолат кузатилди. 2010 йилга келиб 2008 йилга нисбатан, Тошкент шаҳрида Ҳудудлар молиявий ресурслардан қилинган харажатлар улуши 30845,1 млн. сўмга ошган. Лекин, шу ҳолатни кузатиш мумкинки 2008-2010 оралиғида бироз тушган кузатишимиз мумкин.

Фарғона вилояти, Самарқанд вилояти, Тошкент вилояти, Қашқадарё вилоятларида маҳаллий бюджетлар харажатларини йилдан – йилга ўсиш суръатлари аниқланди. Ушбу ҳолатлар албатта даромадларга қараб амалга оширилди. Яъни олдинги параграфда кузатилган эдики, ушбу юқорида зикр этилган вилоятларда даромадлари қолган вилоятларга нисбатан жадалроқ эди. Шунинг учун қилинган харажатлар шу даромадларга таққосланади. Бу ўз навбатида бу вилоятларни иқтисодий ривожланишида анча туртки беради.

Маҳаллий бюджет харажатларини бошқаришда бюджетлараро ваколотлар.

Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонунининг 6-7-8-моддаларида бюджет тизимини бошқариш соҳасидаги ваколатлар белгилаб берилган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси:

- давлат бюджети лойихаси ишлаб чиқилишини ташкил этади ва уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига тақдим этади;
- давлат бюджетининг ижросини ташкил этади;
- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва давлат бошқаруви бошқа органларининг Давлат бюджетини ижро этиш борасидаги ишларини мувофиқлаштиради ва назорат қилади;
- давлат мақсадли жамгармаларини маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилайди;
- давлат бюджети ижроси тўғрисидаги хисоботни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тасдиғига киритади;

- қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жукорги Кенгеси ва маҳаллий хокимлик вакиллик органлари:

- тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси бюджетини ва маҳаллий бюджетларни қабул қилади, шунингдек уларнинг ижроси тўғрисидаги хисоботларни тасдиқлайди;
- қонун хужжатларига мувофиқ маҳаллий бюджетга тушадиган маҳаллий соликлар, йиғимлар ва тўловлар миқдорларини ҳамда улар бўйича имтиёзларни белгилайди;
- қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.
- Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва тегишли хокимлар:
- Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар лойихаларини тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жукорги Кенгеси ва маҳаллий хокимият вакиллик органлари қабул қилиши учун тақдим этади ҳамда уларнинг ижроси тўғрисида хисоботлар тузади;
- Бюджетга тушумлар тўлик ва ўз вақтида тушиши ҳамда бюджет маблағларидан белгиланган мақсадда фойдаланиши устидан назоратни ташкил этади;
- конун хужжатларига мувофик бошқа ваколатларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

- давлат бюджети лойихасини тайёрлайди;
- давлат бюджети маблағларининг тушуми ва сарфи тартибини белгилайди хамда улар устидан назоратни амалга оширади;
- республика бюджети харажатларини амалга оширади;
- бюджет ташкилотларининг харажатлар сметаси ва штат жадвалларини рўйхатдан ўтказади;
- бюджет маблағлари олувчиларнинг Давлат бюджети маблағларидан фойдаланишини тартибга солувчи норматив-хуқуқий хужжатларни,

шунингдек умум мажбурий тусдаги бошқа норматив-хуқуқий хужжатларни қабул қилади;

- қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Бюджетлараро муносабатлар масалаларини юзасидан Қонунда маҳаллий бюджетлар ва ўз - ўзини бошқариш органлари ўртасидаги муносабатларга тўхталинмаган. Асосий моҳият шундан иборатки ўз - ўзини бошқариш органлари Давлат бюджети тузилмасига кирмайди, улар бюджетдан маблағ олувчилар сифатида иштирок этадилар. Лекин айни пайта аҳолини ижтимоий ҳимоялаш харажатларига маблағларни тақсимлашда сезиларли даражада ваколотларга эгадирлар.

Маҳаллий бюджет харажатларининг ортиб боришининг сабабларидан бири ижтимоий соҳалар қуйи муассасаларини маҳаллий бюджет балансига ўтказилишидир.

Иқтисодий ислоҳотларнинг бошланиши билан ижтимоий инфратузилмалар, авваломбор турли муассасалар балансида бўлган объектлар янги таркибга эга бўлдилар. Бу объектлар ўз даврида бюджетдан молиялаштирилиб, уларни сақлаш ва жорий харажатларини қоплашда муаммолар бўлмаган эди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида иқтисодий мувозанатнинг бузилиши билан кўп корхоналарнинг молиявий - иқтисодий ҳолати ёмонлашуви ижтимоий инфратузилма объектларини сақлаш имкониятлари чекланиб қолди. Бироқ маҳаллий бюджетлар ҳам уларни ўз карамоғига олиш имкониятида эмас. Шу туфайли Республикамизда ижтимоий соҳалар объектларини 2006 йилгача маҳаллий бюджетларга ўтказиш дастури ишлаб чиқилди. Бу маҳаллий бюджетларга ўтказилган объектларни молиялаштириш манбаси сифатида ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи жорий қилинди. Бу солиқ турини балансида мазкур турдаги объекти бўлмаган барча ташкилотлар тўлайдилар ва бу тушумлар тула маҳаллий бюджетга ўтказилади. Бироқ бу манба ижтимоий соҳаларни молиялаштириш учун етарли эмас. Шунинг учун тиббий хизмат, маориф ва бошқа ижтимоий секторларда бепул ва пуллик

хизматларнинг самарали мувозанатини ишлаб чиқиш ижтимоий соҳаларни молиялаштиришда муҳим масалалардан бири бўлиб қолди.

Харажатларни белгилашда холислик мақсадида молия Вазирлиги тамонидан алохида харажатларни хисоблаш ва уларга нормативлар ўрнатишга харакат қилинмоқда. Жумладан, ҳудудлар бўйича коэффициентлар белгиланган, «2004 йилда ижтимоий соҳаларни бюджетдан молиялаштириш вақтинчалик нормативи» ишлаб чиқилди. Бирок Ушбу норматив бюджетдан ажратилган маблағлардан келиб чиққан ҳолда тузулганлиги ҳамда унда туман коэффициентлари кўзда тутилмаганлиги сабабли кайта кўриб чиқишни талаб етади.

Нормативларни деференциаллашмаганлиги ҳудудлар ўртасида ахоли жон бошига хисобланган харажатлар сезиларли табакалашувига олиб келмоқда. Фақатгина Тошкент шахригина умумдавлат солиқларидан энг кам ажратмалар олади ва субвенция олмайди хамда иқтисодий ривожланган ва солиқ имкониятлари етарли бўлганлиги учун Республика бўйича ўртача кўрсаткичга нисбатан карийиб икки баробар кўп харажатларга эга.

Нормативларни деференциаллашмаганлиги биринчидан, бюджет дефицитини қискартиришнинг йўлларидан бири бўлган, харажатларни асоссиз қисқартиришга имкон берагтган бўлса, иккинчидан, бюджет маблағларидан самарали фойдаланишга салбий таъсир кўрсатмоқда, масалан агар бюджет муассасаси элект энергияси, сув ва бошқа коммунал хизмат харажатларидан аввалги даврда оқилона фойдаланмаган бўлса, келгуси йилда ҳам бюджетдан ушбу йўл қўйилган исрофгарчиликни молиялаштирилади.

Аҳолини ижтимоий химоялаш харажатларини молиялаштириш муаммоларига алохида тухталиш зарур. Хусусан ижтимоий нафақаларни молиялаштириш ваколотларини маҳаллий бюджетларга, уларни тақсимлашни эса жойлардаги ўз-ўзини бошқариш органларига берилишининг ҳам ижобий, ҳам салбий тамонлари мавжуд. Бир тамондан - бу ижтимоий нафақаларни манзиллилигини кучайтирса, бошқа тамондан – бу субектив муносабатларга ва бюджет маблағларини мақсадсиз ишлатилишига йўл очиб беради.

«Бюджет тизими тўғрисида»ги конунда тармоклар бўйича Республика ва маҳаллий бюджетлар орқали харажатларни молиялаштириш чегаралаб белгиланган ва қонуний бириктирилган. Бироқ қонунда белгиланган чегаралар харажатларни молиялаштириб боришида Республика ва маҳаллий бюджетлар ўртасида муайян қарама - қаршиликларни бартараф қилмайди.

Молия Вазирлиги ва ҳудудий бошқармалар ўртасида келишмовчиликлар маҳаллий бюджетлар харажатларини прогноз қилиш боскичиданоқ бошланади. Молия Вазирлиги маҳаллий бюджет харажатларини прогноз қилишда, мавжуд имкониятидан яъни даромадлар прогнозидан келиб чиқиб белгилайди. Ҳудудларда эса харажатларни прогноз қилишда эхтиёжлардан келиб чиқади, албатта бу молия Вазирлигининг прогнозларини ошириб юборади. Келишув натижасида, барибир даромад базасидан келиб чиққан ҳолда, маҳаллий бюджет харажатлари оптимал прогнози аниқланади.

Бундай ёндошиш «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонунда ҳам таъкидланган, унга кўра маҳаллий бюджетларда дефицитга йўл қўйилмайди. Мос равишда маҳаллий бюджет харажатлари уларни субвенция хисоби билан даромадларидан юқори бўла олмайди.

Маҳаллий бюджетлар харажатларини деференциаллашган нормативлар асосида прогноз қилиш орқали марказий ва маҳаллий органларни бир хил ёндашувига ҳамда Ҳудудлар молиявий ресурсларни прогноз қилишга ёндошишдаги келишмовчиликларни бартараф этиш мумкин.

Ижтимоий инфратузилмани турли даражада ривожланиши, саноат базаси, шахар ва қишлок аҳолисининг салмоғи, нархлар даражаси турличалиги туфайли бюджетдан тақдим этиладиган хизматлар қиймати вилоят ҳудудларида фарқланади. Вилоят бўйича ўртача кузда тутилган бюджет харажатлари нормативини амалда қўллаш «ўртача харорат» самарасини эга бўлиши мумкин, ва яна алохида туманлар ушбу нормативлар асосида ўз харажатларини тўлиқ молиялаштира оладилар, бошқалари эса ўртача нормативга асосан ўзларининг харажатларини қоплай олмайдилар. Шу сабабли туманлар гурухи хисобга олинган ва ижтимоий инфраструктура объектлари салмоғи, узоқлиги, шахар ва

қишлоқ аҳолисини салмоғини ва бошқа кўрсаткичлар хисобга олинган корректировка коэффициентлари бўлиши зарур.

Ҳудудлар молиявий ресурслар харажатлари тиббиётда озиқ - овқат харажатлар меъёри, таълимда методик материаллар ва бир ўқитувчига тўғри келадиган ўқувчилар сони меъёри, бюджет ташкилотларининг коммунал хизмат харажатлари лимитилари ва бошқа шу каби меъёрлар хисобга олинган деференциаллашган нормативлари асосида маълум даражада асосли баҳоланган бўлиши мумкин.

Ҳозирги босқичда ҳудудлар молиявий ресурслар харажатларини туман корректировка коэффициентлари хисоби билан ўртача аҳоли жон бошига нормативилари асосида харажатлар йўналишлари (маориф, соғлиқни - сақлаш, ижтимоий таъминот, уй - жой коммунал хўжалиги, бошқарув ва бошқалар) бўйича баҳолаш бир мунча оддий ва объектив амалга оширилувчи бўлиб хисобланади.

Республика ва ҳудудлар молиявий ресурслар харажатларини мазкур норматив асосида прогноз қилиш маҳаллий молия органлари ва молия Вазирлиги ўртасидаги прогноз тайёрлашдаги келишмовчиликларни минимумга келтиришга имкон беради.

Харажатларни молиялаштириш бўйича ваколотларни белгилашдаги яна бир муаммо, прогноздан сўнг харажатларни хақиқий бажаришда маблағларни мақсадли йўналтириш мақсадида, маҳаллий бюджетлардан республика бюджетига қайтариб олиш амалда қўлланилмоқда. Худди шундай республика бюджетидан ҳам айрим алоҳида харажатлар маҳаллий бюджетларга берилмоқда.

Маҳаллий бюджетлардан Республика бюджетига асосан биринчи синф ўқувчилари учун ўқув қуроллари, кам таъминланган оилалар фарзандларига бериладиган қишки кийим каби ижтимоий соҳалар харажатларига қайтариб олинмоқда.

Бюджет тасдиқлангандан сўнг инвестиция дастурига кўра коллежлар ва лицейлар қурилишини молиялаштириш каби инвестицияни маълум қисмлари республика бюджетидан маҳаллий бюджетларга берилмоқда.

Юқорида кўрсатиб ўтилган, (маҳаллий бюджетлардан республика бюджетига қайтариб олинган ва республика бюджетидан маҳаллий бюджетларга берилган) харажатлар ўзаро ҳисоб – китобларга қўйилади. Бироқ харажатларни маҳаллий бюджетларга уларнинг даромадларини кўпайтирмасдан берилиши, бюджет ссудаларига талабни келтириб чиқаради.

Ҳудудлар молиявий ресурслар харажатларини бошқаришнинг яъни маҳаллий бюджетларни тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ва ижро этиш, унинг ижросини назорат қилиш, ижроси хақида хисоботни тайёрлаш ва тасдиқлаш, шунингдек маҳаллий бюджетлар ўртасидаги ўзаро муносабатлари жараёнининг меъёрий - хуқуқий базасини юқорида санаб ўтилган қонун ва конуности хужжатлар ташкил қилади.

Ҳудудлар молиявий ресурслар харажатларини бошқариш юзасидан ҳозирда амалиётга бир қатор меъёрий - хуқуқий хужжатлар киритилди. Улар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин,

«Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини тузиш ва ижро этиш Қоидалари» Ўзбекистон Республикасининг "Бюджет тизими тўғрисида"ги Қонуни асосида ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 2 июндаги ПФ-2612-сонли "Жамиятнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларида ислоҳотларни эркинлаштириш ва чуқурлаштириш, мамлакат хавфсизлигини таъминлаш бўйича дастурларни амалга ошириш борасидаги чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонининг 2-иловаси 3-бандини ижросини таъминлаш юзасидан ишлаб чиқилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини тузиш ва ижро этиш тартибини белгилаб беради. Мазкур қоидаларда ҳудудлар молиявий ресурсларни тузиш ва ижро этиш тартиблари ҳам белгилаб берилган. Шу билан бирга Қорақолпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари даромадлари ва харажатлари тақсимлаш, молиялаштириш ҳамда бюджет ижроси "Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг Қорақолпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шахар бюджетларида кўзда тутилган йиллик режалаштирилган даромадлар ва харажатлар хажмларини чораклар бўйича тақсимлаш,

тадбирларни ва ташкилотларни молиялаштириш бўйича, бюджет ижроси жараёнида киритиладиган ўзгартиришларни хисобга олиш тартиби тўғрисида”ги 1025-сонли йўриқномасига асосан амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетларининг тармоқ, штат ва контингентлари бўйича кўрсаткичлар тартибли ва сифатли тузилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 1999 йил 9 декабрдаги «Давлат бюджети харажатларининг иқтисодий таснифи ва 2000 йил бюджети бланкаларининг асосий кўрсаткичлари тўғрисида»ги 230 сонли буйруғи билан Давлат бюджети харажатларининг иқтисодий таснифи ишлаб чиқилган.

“Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджетларининг захира жамғармаси тўғрисидаги Низом”и Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджетларининг захира жамғармасидан фойдаланиланиш тартибини белгилайди.

Юқоридаги бобларда таъкидлаб ўтилганидек Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджетларида йилнинг айрим даврларида даромадлар ва харажатлар ўртасида вужудга келадиган вақтинчалик касса тафовутларини қоплашга республика бюджетидан ссудалар берилиши мумкин. “Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, маҳаллий бюджетларга бюджет ссудалари бериш ва олинган бюджет ссудаларини узиш тартиби тўғрисида”ги Низоми ушбу бюджет ссудаларини ажратиш тартибини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг касса ижроси бўйича муомалалари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг касса ижроси тўғрисида”ги Йўриқномасига мувофиқ амалга оширилади. Шу билан бирга молия органларида бюджет ижросининг бухгалтерия хисоби, “Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетларни молия органларида хисобхона хисобини олиб бориш бўйича” Йўриқномада белгиланган тартибда юритилади

Бюджет ижроси хисоби бўйича яна бир низом бу Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг “Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети қарамоғида бўлган ташкилотларнинг бухгалтерия хисоботлари ва баланслари тўғрисида” Низоми бўлиб, юридик шахс мақомига эга бўлган ҳамда Ўзбекистон Республикаси қарамоғида бўлган ташкилотларда, шунингдек вазирликлар, идоралар, хокимлик бошқармалари (бўлимлари), марказий шахар ва туман касалхоналарида ҳамда бошқа бюджет маблағларини олувчиларда бухгалтерия хисоботи ва балансларини тузиш тартибини белгилайди.

Ҳудудлар молиявий ресурслар харажатларини бошқаришнинг меъёрий - хуқуқий базасида муҳим ўрин эгалловчи хужжат бу Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сонли “Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги қароридир.

Юқорида таъкидлаб ўтилганлар билан бир қаторда, Ўзбекистон Республикасида бюджет ижросини такомиллаштириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг “Ўзбекистон Республикасининг 2002 йилги Давлат бюджети ва асосий макроиқтисодий истиқбол кўрсаткичлари тўғрисида”ги 2001 йил 31 декабрдаги 490 – сонли, “Ўзбекистон Республикасининг 2003 йилги Давлат бюджети ва асосий макроиқтисодий истиқбол кўрсаткичлари тўғрисида”ги 2002 йил 30 декабрдаги 455 - сонли қарорларига асосан Давлат бюджетининг ижросини ташкил этиш ҳамда бюджет харажатларини тўлиқ ва ўз вақтида молиялаштиришни таъминлаш мақсадидаги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2002 йил 2 январдаги, 2003 йил 2 январдаги “Бюджетда кўзда тутилган харажатларни тўлиқ ва ўз вақтида молиялаштиришни таъминлаш ҳамда бюджет маблағларининг мақсадли ишлатилиши устидан назоратни кучайтириш тўғрисида”ги 1 сонли буйруқларида ўз аксини топган.

Ушбу бобда умумий фикрлардан келиб чиқиб, биз учинчи бобни имкон қадар ёритишга харакат қиламиз.

[illegible] ўжалик юритувчи субъект [illegible] ўжалик юритувчи субъект [illegible] 40 [illegible]

[illegible] ўжалик юритувчи субъект [illegible]

юритувчи субъект [illegible] [illegible]е[illegible] [illegible] [illegible] [illegible] [illegible] [illegible] [illegible] [illegible] [illegible] [illegible] [illegible] [illegible]. [illegible] [illegible] [illegible] [illegible] [illegible] [illegible] [illegible] [illegible] [illegible], [illegible]ўжалик юритувчи субъект[illegible] [illegible]е[illegible] [illegible] [illegible]е[illegible] [illegible] [illegible] [illegible]е[illegible] [illegible] [illegible]е[illegible] [illegible] [illegible] [illegible] [illegible] [illegible] [illegible] [illegible] [illegible] [illegible] [illegible]е[illegible]. [illegible] [illegible] [illegible] [illegible] [illegible] [illegible] [illegible] [illegible]е[illegible] ([illegible] [illegible]) [illegible] [illegible] [illegible] [illegible] [illegible]е[illegible] [illegible] [illegible] [illegible] [illegible] [illegible]е[illegible] [illegible] [illegible]е[illegible] [illegible] [illegible] [illegible] «[illegible]» [illegible] [illegible] [illegible] [illegible] [illegible]. [illegible] [illegible] [illegible] [illegible] [illegible] [illegible] [illegible] [illegible] [illegible]е[illegible] [illegible]. [illegible], [illegible] [illegible] [illegible] [illegible] [illegible]е[illegible] [illegible] [illegible] [illegible] [illegible]е[illegible] [illegible]е[illegible] ([illegible] [illegible]) [illegible] [illegible] «[illegible]» [illegible] «[illegible]» [illegible] [illegible]е[illegible] [illegible] [illegible] [illegible] [illegible], [illegible] [illegible] [illegible] [illegible] [illegible] [illegible] [illegible] [illegible].

[illegible] [illegible] [illegible] [illegible]ўжалик юритувчи субъект[illegible] [illegible] [illegible]с[illegible] [illegible] [illegible] [illegible] [illegible] [illegible]. [illegible] [illegible] [illegible] [illegible] [illegible] [illegible] [illegible] [illegible] [illegible] [illegible]ўжалик юритувчи субъект

[illegible]

[illegible]

- [illegible];
- [illegible];
- [illegible];
- [illegible];
- [illegible];
- [illegible].

[illegible]

[illegible]:

[illegible]

Ҳудудлар молиявий ресурслардан давлат такрор ишлаб чикариш жараёнига таъсир этишда кенг фойдаланмокда, маҳаллий бошкарув давлатнинг жойларда максадга мувофик булган вазифаларини бажаради.

Иктисодий ислохотларни чукурлаштириш Марказий ва маҳаллий давлат хокимияти органларининг хукуклари ва вазифаларини анча узгартиради. Иктисодиётни баркарорлаштиришнинг бу боскичида ҳудудий ривожланиш ва ислох килишнинг асосий воситалари сифатида Коракалпогистон Республикаси, вилоятлар, шахарлар ва туманларнинг ижтимоий - иктисодий муаммоларини хал килишдаги хукуклари ва ваколатларини боскичма боскич кенгайтириб бориш зарур.

Ҳудудий давлат бошкарув органлари молиявий тизимининг асосий таркибий кисми - бу маҳаллий бюджет хисобланади. Маҳаллий бюджетлар оркали маҳаллий ҳудудларни ижтимоий - иктисодий жихатдан ривожлантиришни молиявий манбалар билан таъминлаб борилади.

Маҳаллий бюджетлар ҳудудлардаги ижтимоий-иктисодий муаммоларни хал этишнинг асосий манбаи ва маҳаллий хокимият органлари фаолиятининг иктисодий негизи булганлиги сабабли , бюджетга кушимча маблаглар жалб этиш манбаъларини излаб топиш ва мавжуд маблагларни самарали сарфланишини таъминлаш бюджет сиёсати самарадорлигини таъминлайдиган асосий омил хисобланади.

Ушбу масала мухим ахамиятга эга булганлиги сабабли Республикамиз Президенти И.Каримов Олий Мажлиснинг2001 йил 11 майда булиб утган иккинчи чакирик бешинчи сессиясида 2000 йил ва 2001 йил I чорак бюджет ижросини мухокама килиш чогида хам бюджет маблаглари сарфлашда маҳаллий хокимиятларни ролини ошириш, даромадларни катта кисмини ва айникса режадан ошикча йигилган маблагларни тулик маҳаллий органлар ихтиёрида колдириш зарурлиги хакида тухталиб утди.

Маҳаллий соликларнинг салмогининг ошишига Хукуматимиз томонидан ҳудудлар молиявий ресурсларнинг жамият хаетида ролини ошириш максадида унинг даромад манбасини ошириш учун кабул килинаётган карорлари сабаб

бўлмокда. Бунинг натижасида маҳаллий соликларнинг маҳаллий бюджетлар даромадларининг умумий хажмида салмогини ошиб боришига олиб келмокда.

Маҳаллий бюджетларнинг даромад кисмини шакллантириш муаммоларини хал килиш максадида молия бозорларидан жалб ва мобилизация килинган, табакалаштирилган уз маблаглари куринишидаги даромад тушумларини маҳаллий хокимият органлари томонидан кулланилиши максадга мувофик деб хисоблаймиз.

Биринчидан, минтакалардаги солик тартибларини мувозанатлашни ва бюджет эхтигжларини таъминлашни мувофиклаштириш учун, маҳаллий хокимият органларинингсолик сигсатини ишлаб чикишда ва амалга оширишда фаол иштирок этиш хукукини конунан расмийлаштириш.

Иккинчидан, инвестициялар, сармоялар, бандлик ва бандлик бозорлари фаолиятини таъминлаш максадида табакалаштирилган солик режимларини урнатиш буйича маҳаллий хокимият органлари ваколатларини аник белгилаб бериш.

Учинчидан, юкори ва куйи бугинларинингбир-бирига буйсунишини янгилаш ва тизимлаш имкониятини берувчи юридик куч ва макомга эга булган хар хил хужжатлар тизимини конун йули билан урнатиш.

Туртинчидан, минтакада тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш максадида табиий захиралардан фойдалангани учун олинадиган солик ставкаларини белгилашда маҳаллий хокимият органларининг хукукларини белгилаб бериш.

Бешинчидан, минтаканинг ижтимоий ва инвестиция манфаатларини хисобга олган холда имтигзли солик солишнинг устувор йуналишларини белгилаш, унингижтимоий-иктисодий ривожланишини кафолатлайдиган солик тадбирлари буйича хукукий-меъёрий хужжатларни шакллантириш ва тасдиклаш каби вазифаларни бажариш учун маҳаллий хокимият органлари ролини ошириш зарур.

Махалий хокимиятлар зиммасига уларга тегишли ҳудудлардаги ижтимоий - иктисодий масалаларни хал этишдек масъулиятли вазифа юклатилган булиб,

амалда бу масалалар умумдавлат ахамиятига эга вазифалардан хисобланади. Чунки, фукароларнингкундалик хагтидаги вазифаларини канчалик даражада ижобий хал этилиши уларнингумумий ижтимоий дунёкарашига булган муносабатида акс этади. Маҳаллий бюджетлар даромадларини ошириш, маҳаллий хокимият органлари зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришнинг молиявий имкониятини мустахкамловчи асосий манба хисобланади.

Жорий килинадиган хар кандай солик мамлакатда амал килинадиган солик сигсати асосида амалга оширилади. Солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш молия-иктисодий муносибатлардан келиб чикади. Давлат солик сиёсати республика иктисодигтини барқарорлаштириш ва ривожлантиришга, бозор муносабатларини бошқаришга хар томонлама фаол таъсир курсатади.

Давлат солик сиёсатини ишлаб чикаётганда мавжуд соликларни ёки янги киритилиши мулжалланган соликларнинг мохияти, ахамияти, келиб чикиш ва ривожланиш тарихи чукур урганилиши лозим. Айникса янги соликлар чикарилаётганда улар илмий асосланган бўлиши, йирик амалиётчи мутахассислар ва жамоатчилик уртасида эркин бахслашув асосида бирор карорга келиши зарур. Бу ерда хеч бир соха мутахассислари фикри билангина чегараланиб колмаслик керак, чунки соха мутахассислари ўз манфаатларини кўпрок кузлаб, умумдавлат манфаатларини улар кўра олмасликлари ёки била олмасликлари мумкин.

Ҳозирги даврнинг солиқ сиёсати асоси - Республика Президенти Ислом Каримовнинг республика иқтисодий ривожланишининг беш тамойили, устувор йуналишларидир. Республика солик сиёсати ана шу тамойиллардан келиб чикиб, солиқ соҳасидаги чора-тадбирларни амалга оширилмокда. Солик сиёсатининг икки йўналиши мавжуд:

Энг аввало, корхона ва ташкилотларни бозор иктисодигти шароитидаги эркинлигини хисобга олиш. Уларнингмолиявий мустакиллигига, эркин баҳо белгилашларига тусинлик килмаслик ва бюджетга солик тўловлари белгиланиетганда факат демократик асосда, яъни Олий Мажлис тасдиклаб

берган соликларни ундиришни ташкил этиш зарурдир. Ҳозирги вақтда солиқлар бир томондан корхоналарда такчил, ракобатга бардош бера оладиган товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чикаришни купайтиришга, иккинчи томондан товар бахосини ошириб сотган ҳолда мехнатсиз ёки кам мехнат билан топилган даромадларни чеклашга қаратилмоги зарур.

Солик сиёсатида ахолининг турли хил гурухларига нисбатан хилма-хил ёндашишдир. Ночор, кам таъминланганларга иложи борича соликдан купрок имтиёзлар бериш ва кам куч сарфлаб куп даромад олувчи ёки бошка енгил даромад топувчиларга нисбатан прогрессияли солик ставкаларини куллашдан иборатдир.

Хар бир маҳаллий хокимлик уз ҳудудинингиктисодий салохиятидан келиб чиккан холда бу солик ставкаларини белгиланиши тадбиркорларга имконият яратиб беради. Мамлакатимиз иктисодигти ҳудудлар буйича бир хил ривожланмаганлиги хамда турли даражадаги иктисодий имконият ва салохиятга эгалиги шароитида маҳаллий соликлар ва йигимларни тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун мухим омил хисобланади.

Маҳаллий соликлар ва соликсиз даромадлардан тушумлар маҳаллий бюджетлар харажатларининг жуда кам кисмини коплаганлиги туфайли маҳаллий бюджетлар даромадларининг асосий кисми бюджетлараро тартибга солиш оркали шакллантирилади. Бунда тартибга солувчи соликлар асосий уринни эгаллайди.

Тартибга солувчи соликлардан ажратмалар нормалари вилоятлар буйича хар йили кайта куриб чикилади. Уларнингйилдан йилга усиб бориши маҳаллий бюджетлар харажатларини уша ҳудудда йигилган соликлар хисобидан коплаш заруряти билан ва юкори бюджетдан бериладиган маблагларнинг кискартирилиши билан асосланади.

Маҳаллий бюджетларнинг давлат бюджети харажатларидаги салмоги ошиб бормокда. Бу уз навбатида уларнинг ҳудудлар ижтимоий - иктисодий ривожланишдаги ролини ошишига олиб келмокда. Маҳаллий хокимият органларининг бюджет ижросидан манфаатдорлигини ошириш ва шунинг

асосида бюджет харажатларини тўғри ва окилона тарзда сарфланиши ва бюджетга тушумларнинг янги манбаларини кидириб топишга ва рагбатлантиришни таъминлаш зарур.

Ўзбекистон Республикаси “Бюджет тизими тўғрисида”ги Конунининг 34-моддасига мувофик, Коракалпогистон Республикаси Жокарги Кенгеси ва жойларда тегишли ваколатдаги хукумат органлари, Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, тегишли хокимлар бюджет бажарилиши жарагнида, бюджет ажратмаларини умумий хажми саклаб колганида Коракалпогистон Республикаси тасдикланган бюджетига, маҳаллий бюджетларига, шунингдек бюджет даромадлар ва харажатлар йиллик ва чораклик хажмларига керакли узгартиришларни киритишлари мумкин.

Конунда ушбу узгаришларни киритиш тартиби белгилаб берилган. Бирок амалиётда айрим холатларда юкори бюджетдан харажатларни узгартириш учун берилган узгаришлар жойларда куйи бюджетлар уртасида таксимлашда куйи бюджетлар ваколотлари инобатга олинмаяпти. Харажатларга кушимча келганда яъни харажатлар оширилганда куйи бюджетларга таксимлаш бир курсаткич асосида хисоб китоб амалга аширилса, харажатларга камайиш келганда бошка курсаткичлардан фойдаланиб хисоб китоб килинмокда.

Бу каби ваколотлар бузулишига йул куймаслик учун бюджет харажатларига киритилагтган узгаришларни хисоб китоб килишда туман ёки шахар муассасасининг барча курсаткичлари аник курсатилган маълумотлардан фойдаланиш хамда киритилагтган узгаришларни асосли равишда амалга ошириш лозим.

Бюджет муассасалари узларининг барча курсаткичлари акс эттирилган паспортини тузишлари лозим. Айнан шу паспортида муассасанинг куввати, биноларининг хами, майдони ва бошка барча курсаткичлари акс эттирилган булиб, муассасалар лойихаларини тузиш, узгаришларни хисобга олиш ва умуман бюджет ижросининг барча жарагнларида аинклик ва харажатлардан самарали фойдаланишга шу билан бирга маъаллий бюджетлар ваколотлари мустахкамланишига имкон беради.

Харажатларни бошкариш ваколотларини белгилаш тартибига кура, уни бажарилишига бевосита маъул булган хокимият даражаси белгиланади, сунгра харажатларни молиялаштириш кусман ёки тулик маҳаллий даражада амалга ошириш учун бериш масаласи хал килинади. Бу каби ёндашишдан келиб чикиб, маҳаллий бюджетдан амалга оширилаётган, жами харажатлар салмогидан ахолини манзилли ижтимоий химоялаш нукати назаридан биринчи даражали харажатларни (биринчи синф укувчилари учун укув куроллари, кам таъминланган оилалар фарзандларига бериладиган кишки килим) ажратиш максадга мувофик.Амалиётда уларни молиялаштирилмай колишидан, бюджет ссудаларини купайишидан кочиш максадида, уларни бажариш учун маблагни республика бюджетидан максадли субвенция шаклида берилиши керак.

- Харажатларни бошкариш ваколотларини белгилаш куйидаги тамойилларга асосан амалга оширилиши лозим:
- субсидияланиши (харажат ваколотларини бюджет хизмати истеъмолчиларига максимал якинлиги);
- масштабларда иктисод килиш (катор харажатларни марказий даражада амалга ошириш анча кулай ва самарали);
- ташки самара хисоби (ҳудудларни бажаришлари зарур булган мажбуриятларини бажарилишида жамиятнинг кизикиши канча юкори булса ёки уларни бажармаслиги эхтимоли натижасида умумий зарар юкори булса, марказлаштиришга жалб этиш шунчалик юқори бўлади.ёки аксинча).

## 3.3. Мамлакатни модернизация қилиш шароитида молиявий ресурсларни бошқаришни такомиллаштиришда банк кредити

Иқтисодиётда таркибий ва сифат ўзгаришлар давом этаётган бугунги кунда банклар ресурс капиталининг кўпайиши, банк хизматлари доирасининг янада жадал кенгайиши, инновацион технологиялардан фойдаланиш эвазига рақобатнинг кучайиши, жаҳон молия-банк тузилмалари билан алоқаларнинг

ривожланиши ва банк-молия инновациялари сегментида лойиҳаларнинг ишлаб чиқилиши Ўзбекистон замонавий банк тизимининг энг муҳим тавсифи сифатида намоён бўлмоқда.

Банкларнинг капиталлашув даражасини ва банк ликвидлилигининг оширилиши пировардида уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш учун мустаҳкам замин яратади. Шу билан бирга, кенг кўламли ислоҳотларни амалга оширишда банкларнинг инвестиция кредитлари орқали иштирокини таъминлашнинг фаоллашгани барқарор ресурс базасини шаклантиради.

2012 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, республикамизда 30 та тижорат банки фаолият кўрсатиб, уларнинг 3 таси давлат тижорат банки, 13 таси акциядорлик тижорат банки, 9 таси хусусий банк ва 5 таси чет эл капитали иштирокидаги банк ҳисобланади.Уларнинг 822 та филиали томонидан республикамиз барча ҳудудларида мижозларга банк хизматлари кўрсатиб келинмоқда. Банк муассасалари тармоғининг кенгайиб бораётгани банклар ўртасидаги рақобат муҳитининг кучайиши ҳамда банк хизмат турлари сифати ва кўламининг ошиб боришига имкон берди.

Тижорат банклари олдига 2011 йил учун белгилаб берилган устувор вазифалардан асосийси ҳам банкларнинг барқарорлигини ва капиталлашув даражасини янада ошириш, етакчи халқаро рейтинг компаниялари томонидан қабул қилинган халқаро меъёрлар, мезон ва стандартларга асосланган ҳолда, банк тизимини баҳолаш кўрсаткичларининг замонавий тизимини жорий этиш белгиланган эди. Ушбу вазифалар доирасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банкларининг умумий капиталини қўшимча акциялар чиқариш орқали 2011-2015 йилларда ўртача 2,1 мартага оширишни таъминлаш вазифасини қўйди.

Натижада банк тизимининг молиявий барқарорлиги ва ривожланиш кўрсаткичлари, халқаро индикаторлар асосида таҳлил қилинганда, юқори даражадаги баҳоларга мувофиқ келади. Жумладан, банк тизими капиталининг етарлилик даражаси кўрсаткичи 24,2 фоизни ташкил қилиб, бу банк назорати

бўйича Базель қўмитаси томонидан қабул қилинган халқаро стандартларга нисбатан 3 баробар кўп бўлган даражани ташкил этди.

2.1.1-расмдан кўриниб турибдики,сўнгги 4 йилда мамлакатимиз тижорат банкларининг умумий капитали 2,5 баробар кўпайди ва бугунги кунда 5,3 триллион сўмдан ошиб кетди.

Юртимизда, 2008 йилдан бошлаб тижорат банклари томонидан халқаро рейтинг олиш учун «Мудис», «Фитч Рейтингс», «Стандарт энд Пурс», «Томпсон Файнэншл Банк Вотч», «Жапан Кредит Рейтинг Эженси», «Рейтинг Эженси Малайзия» каби нуфузли халқаро рейтинг компаниялари билан ўзаро ҳамкорлик ишлари давом эттирилди.

Бугунги кунда мамлакатимиз банк тизими халқаро талабларга қатъий жавоб берадиган энг барқарор тизимлардан бири сифатида фаолият кўрсатмоқда.

Буни «Standard & Poor's», «Moody"s», «Fitch ratings» каби халқаро рейтинг агентликлари томонидан сўнгги йилларда Ўзбекистон банк тизимига муттасил равишда "барқарор” рейтинг даражасини бериб келинаётгани ҳам тасдиқлаб турибди.




***3.3.1-расм.* Тижорат банклари капиталининг ўсиш динамикаси.**

2008 йилда республикамизда фаолият юритаётган тижорат банкларининг 12 таси халқаро «Мудис», «Фитч Рейтингс» ва «Стандарт энд Пурс» рейтинг

компанияларининг «барқарор» рейтинг баҳосини олишга эришган бўлса, 2010 йилда улар 15 тага, 2011 йилда эса ушбу кўрсатгич 23 тага етди, бу банкларнинг активлари мамлакатимиз банк тизими умумий активларининг 98 фоизини ташкил этмоқда. 2011 йилда 6 та тижорат банкининг халқаро рейтинг баҳолари яна бир поғонага кўтарилган бўлса, банк тизими активларининг 62,7 фозини ташкил қилувчи 5 та йирик тижорат банки бир йўла иккита халқаро рейтинг агентлиги томонидан ўз молиявий ҳолатлари ва фаолият натижалари ижобий рейтинглар билан тасдиқланишига эришди. Шу билан бирга, 2011 йилнинг август ойида "Мудис" халқаро рейтинг агентлиги томонидан Ўзбекистон банк тизими бўйича ривожланиш истиқболларининг "барқарор" даражадаги рейтинг баҳоси қайта тасдиқланди. "Стандарт энд Пурс" халқаро рейтинг агентлиги эса 2011 йилнинг ноябрь ойида Ўзбекистон банк тизимини ижобий баҳолаб, унинг рейтингини бир поғона юқори кўтарди. Бугунги кунда 17 та тижорат банки акциялари «Тошкент» фонд биржаси листингига киритилган бўлиб, ушбу қимматли қоғозларнинг котировкаси биржада мунтазам равишда амалга оширилиб, оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилиб борилмоқда.

Шунингдек, тижорат банклари томонидан муомалага чиқарилаётган акциялар ҳажмининг 25 фоизидан кам бўлмаган қисми фонд биржасида бирламчи жойлаштирилиб борилмоқда. Хусусан, 2011 йил давомида тижорат банкларининг 53 миллиард сўмлик акциялари «Тошкент» республика фонд биржасининг бирламчи савдоларига чиқарилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банкларнинг капиталлашувини янада ошириш ва иқтисодиётни модернизациялашдаги инвестиция жараёнларида уларнинг иштирокини фаоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги 2007 йил 12 июлдаги ПҚ-670 сонли ва "Банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва инвестициявий фаоллигини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2010 йил 6 апрелдаги ПҚ-1317-сонли қарорларига асосан банкларнинг минимал устав капиталлари миқдорига ўзгартиришлар киритилди. Ушбу қарорларга мувофиқ янги ташкил этилаётган

тижорат банкларининг минимал устав капитали 2011 йилнинг 1 январидан бошлаб қуйидагича миқдорда белгилаб қўйилди:

➢ Тижорат банклари учун сўм эквивалентида 10 м илллионевро миқдорида;

➢ Хусусий банклар учун сўм эквивалентида 5 миллион евро миқдорида;

➢ Хорижий капитал иштирокидаги банклар учун сўм эквивалентида 10 миллион евро миқдорида.

Банкларнинг капиталлашув даражаси ва депозитлари ҳажмининг ўсиши актив операциялар ҳажмини ошириш, хусусан кредитлаш имкониятларини янада кенгайтириш, банклар жами активларинингўсиб бориши учун мустаҳкам замин бўлмоқда.

Сўнгги 4 йилда тижорат банкларининг умумий активлари 2,3 баробар ўсди.




***3.3.2-расм.* Тижорат банкларининг жами активлари динамикаси.**

Ушбу диаграммадан кўриниб турганидек, банк активлари ўтган йилга нисбатан 32,4 фоиз ўсиб, 27,5 триллион сўмга етди.

Республикамиз тижорат банклари учун 2011 йил ҳам, 2010 йил каби, ўзига хос ислоҳот ва ўзгаришларга бой бўлди. Бунда асосан тижорат банкларининг барқарорлигини таъминлаш ва молиявий инқирозга карши курашиш борасида

мамлакатимиз Президенти томонидан қабул қилинган қарорлар ва 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастури муҳим аҳамият касб этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011-2015 йилларда республика молия- банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва бароқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438 сонли қарорининг қабул қилингани жаҳон ва миллий иқтисодиётда ўзгарган молиявий аҳвол шароитида Ўзбекистон банк тизими ривожланишининг янги босқичини бошлаб берди.

**Ушбу қарорга мувофиқ:**

1. Базель қўмитаси томонидан белгиланган халқаро андозалар талабларига асосан тижорат банкларининг янада капиталлашуви, ушбу соҳага хусусий капитални жалб қилиш, ресурс базаларини ошириш, активлар сифатини яхшилаш,банк ишини такомиллаштириш ҳисобидан банкларнинг молиявий барқарорлиги ва ликвидлигини ошириш;
2. Етакчи халқаро рейтинг компаниялари томонидан қўлланадиган ва алоҳида банклар ва ҳамда бутун банк тизимининг бутун дунёда қабул қилинган баҳолаш кўрсаткичлари бўйича янада юқори даражага кўтарилишини объектив баҳолаш имконини берадиган халқаро нормалар, стандарт ва мезонлар асосида алоҳида банклар ва бутун банк тизими фаолиятини тахлил қилиш ва бахолашнинг замонавий тизимини жорий қилиш каби устувор вазифалар белгилаб берилди.

Жаҳон амалиётида инвестицион ресурсларнинг асосий манбаларидан бири аҳолининг маблағлари (инвестицияларни молиялаштириш манбаларининг 70 фоизигача) ҳисобланади.

Сўнгги йилларда фуқароларнинг тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар, жумладан, тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир Президент

фармонлари ва қатор бошқа меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, аҳолининг банк тизимига ишончини мустахкамлаш, накд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш, мамлакат иқтисодиётини жадал ривожлантириш ва ахолининг турмуш даражасини ошириш учун инвестиция ресурсларининг ғоят мухим манбаи сифатида ахолининг эркин пул маблағларини тижорат банклари омонатларига жалб этиш, уларнинг молиявий мустақиллигини таъминлаш, банкларда аҳоли омонатларининг янги турларини жорий этиш, банклар фаолиятини жаҳон банк амалиётига яқинлаштириш ва пировард натижада рақобатдошлигининг юқори даражасига эришиш банк тизимини асосий мақсадларидан бири ҳисобланди.

Шунга кўра, сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш хамда кафолатларини таъминлашгадоир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2008 йил 21 февралда, “Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2008 йил 28 ноябрда имзоланган фармонлари ва 2009 йил 6 апрелдаги “Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида жисмоний шахсларнинг банклардаги депозит ҳисоб варақларига қўйилган пул маблағларини ўзларининг хохишларига кўра ва чекловсиз тасарруф этишлари мумкинлиги, аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини мустахкамлаш чоралари, омонатлар сақланиши, банк сири, мижозларнинг биринчи талабидаёқ уларнинг хисоб варақларидан маблағлар ҳеч қандай тўсиқсиз берилишини таъминлаш кафолатланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида”ги қонуни доирасида Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш жамғармаси ташкил этилиб, бу аҳоли учун омонатни қайтариб олиш билан боғлиқ риск

даражасининг кескин пасайишига олиб келди. Фуқораларнинг тўловга қобилятсиз бўлиб қолган банклардаги омонатларини ушбу жамғарма маблағлари ҳисобидан қайтариш механизми жорий этилди. Дастлаб мазкур механизмда бир омонатчига кафолатли ҳақ тўлаб бериш ҳажми энг кам ойлик иш ҳақининг 250 баробари миқдорида чегараланган бўлса, 2008 йил ноябрь ойидан эътиборан фуқароларнинг тижорат банкларидаги депозит ҳисоб варақларидаги омонатлари бўйича тўла ҳажмда ҳақ тўлаш кафолатланди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг “Банк сири тўғрисида”ги қонунига асосан, мижозлар тўғрисидаги банкка маълум бўлган барча маълумотлар банк сири маълумотлари тоифасига киритилиб, улардан қонунда белгиланмаган ҳар қандай мақсадда учинчи шахслар томонидан фойдаланиш тақиқланди. Яратилган кафолатлар аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг банк тизимига бўлган ишончини янада оширди ва уларнинг банклардаги депозитлари ҳажмининг юқори суръатларда ўсишига ёрдам берди.

Банклар томонидан жалб қилинган жами депозитлар ҳажми йил бошига нисбатан 36,3 фоизга ошиб, 2012 йил 1 январь ҳолати бўйича 18 триллион сўмни ташкил этди. Банклардаги омонатлар ҳажмининг ошишида аҳоли реал даромадларининг ўсиши ҳамда банк тизимининг барқарорлиги асосий омил бўлгани ҳолда, банклардаги омонатларнинг тўлиқ қайтарилиши давлат томонидан кафолатлангани ва улардан олинадиган фоиз даромадлари солиқдан озод этилгани банк депозитларини қулай, хавф-хатарсиз ва барқарор даромадли молиявий инструментга айлантирди.

Аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда, ҳозирги вақтда тижорат банклари томонидан 400 дан ортиқ жозибадор омонат турлари таклиф этилмоқда.

Натижада аҳолининг банклардаги пул маблағлари қолдиғи ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,7 триллион сўмга ёки 1,4 баробар ортиб, 2012 йил 1 январь ҳолатига кўра, 6,2 триллион сўмга етди.




***3.3.3-расм.*** **Тижорат банкларида аҳоли омонатлари қолдиғининг ўсиш динамикаси.**

Диаграмма маълумотларидан кўриниб турибдики, тижорат банкларида аҳоли омонатларининг миқдори сўнгги 4 йилларда фақат ўсиш динамикасига эга бўлган.

Аҳоли омонатларининг таркибида жамғарма ва муддатли омонатлар улуши 88,1 фоизни ташкил этди. Бу фуқароларимизнинг банк тизимига бўлган юксак ишончидан далолат беради. Хозирги кунда банкларимизнинг умумий активлари ҳажми аҳоли ва юридик шахсларнинг ҳисоб рақамларидаги маблағлардан икки баробардан ҳам кўпдир. Бу эса ушбу маблағларни ишончли ҳимоя қилиш ҳамда уларга ўз вақтида ва тўла ҳажмда хизмат кўрсатишни кафолатлайди. Банклардаги омонатлар ҳажмининг ошишида аҳоли реал даромадларининг ўсиши ҳамда банк тизимининг барқарорлиги асосий омил бўлгани ҳолда, аҳоли даромади ва фаровонлигини ошириш борасида ҳам сифат жиҳатидан чуқур ўзгаришлар юз бермоқда.

Аҳолининг иш ҳақи ва умуман, пул даромадлари барқарор ошиб бормоқда, унинг харид қобилияти муттасил ўсмоқда, фуқароларимиз истеъмол қиладиган маҳсулотлар таркибининг сифати ортмоқда.

2011йилда республикамизда иш ҳақи 20,2 фоизга, бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендиялар миқдори эса 26,5 фоизга ўсди. Аҳолининг реал даромадлари йил мобайнида 23,1 фоизга ортди. Аҳолининг даромадлари таркибида тадбиркорлик фаолиятидан олинаётган даромад улуши тобора салмоқли ўрин эгалламоқда ва барча даромадларнинг 47 фоиздан ортиғи ушбу соҳа ҳиссасига тўғри келмоқда. Ушбу ҳолат банкларнинг аҳоли маблағларини кенг жалб этиш ва омонат турларини кенгайтиришга замин яратмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки пул-кредит сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳам тижорат банкларининг ресурс базасини депозитларни жалб этиш орқали мустаҳкамлаш ҳисобланади. Шу мақсадда, пул массасининг мақсадли предметларидан келиб чиққан ҳолда ҳамда тижорат банклари томонидан узоқ муддатли депозитлар жалб қилинишини янада рағбатлантириш учун 2009 йилнинг 1 сентябридан мажбурий захира талаблари тижорат банклари депозитларининг муддатига қараб табақалаштирилди. Жумладан, мажбурий захира талаблари муддати 1 йилгача бўлган депозитлар бўйича – 15 фоиз, муддати 1 йилдан 3 йилгача бўлган депозитлар учун – 12 фоиз, муддати 3 йилдан ортиқ бўлган депозитлар бўйича – 10,5 фоиз миқдорида ўрнатилади.

Мажбурий захира талаблари механизмига киритилган ўзгартиришлар аҳоли маблағларини депозитларга жалб этиш самарадорлигини янада оширди.

Шунингдек, банкларнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш мақсадида банклар томонидан узоқ муддатли облигация ва депозит сертификатларининг муомалага чиқарилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 2011 йилда тижорат банклари томонидан 204 миллиард сўмлик узоқ муддатли облигациялар инвесторлар ўртасида жойлаштирилган бўлса, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида жойлаштирилган банк депозит сертификатлари ҳажми 427 миллиард сўмни ташкил қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011-2015 йилларда республика молия банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва бароқарорлигини

ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устивор йўналишлари тўғрисида”ги 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438 сонли қарорида ҳам тижорат банкларининг депозит сиёсати билан боғлиқ алоҳида вазифалар белгилан бўлиб, унда омонатчилар учун кафолатларни кучайтириш ҳамда аҳоли ва хорижий инвесторларнинг банк тизимига бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш, янги жозибадор омонат ва депозитлар турларини жорий қилган ҳолда, аҳоли ва хўжалик субъектларининг бўш пул маблағларини банк айланмасига кенг жалб қилиш бўйича тизимли чора-тадбирларни қабул қилиш, кўрсатилаётган банк хизматлари кўламини кенгайтириш борасидаги вазифалар белгилаб берилган.

Банклар капитали ва депозитларининг юқори суръатларда ўсиши, ўз навбатида, уларнинг иқтисодиётнинг реал секторини молиявий қўллаб-қувватлашдаги иштирокини фаоллаштиришга, банк активлари ва кредит қўйилмалари ҳажмининг кўпайишига ижобий таъсир қилди.

Республикамиз банк амалиётида кредитлаш шаклларидан кенг фойдаланиш мижозларнинг кредитларга бўлган эҳтиёжларини тўлароқ қондиришга, банкларнинг кредит операциялари кўламини кенгайтиришга, кредит рискини маълум даражада минималлаштиришга ва ниҳоят, банкларнинг кредит операцияларидан оладиган даромадлари ошишига олиб келди.

Сўнгги 10 йил давомида ички манбалар ҳисобидан мамлакатимиз иқтисодиётининг реал секторини кредитлаш ҳажми 25 баробар ошиб, бу 2010-2011 йилларда кредитлар умумий улушининг тахминан 47-49 фоизини ташкил этди.

Шу билан бирга банк кредит портфелининг тузилмаси ҳам ўзгарди. 2010-2011 йилларгача уларнинг катта қисми ташқи мажбуриятлар ҳисобига шаклланган бўлса, шу йиллардан бошлаб ички манбалардан бериладиган кредитлар ҳажми кескин ошди.Ташқи қарзлар асосан узоқ муддатга, фақат иқтисодиётнинг стратегик тармоқларини модернизация қилиш, кичик бизнес ва

хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-кувватлаш бўйича инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун жалб қилинмоқда.

Кредит портфели тўғри ташкил этилиши тижорат банкларининг самарали фаолият юритиши учун асос ҳисобланади. Банкларнинг кредит портфелини кредитнинг риск даражаси, тармоклар тузилиши, кредитнинг максади, муддати, кредит хажми, таъминланганлик шакли, ресурс манбаси ва мулкчилик шакллари буйича таснифлаш мумкин:

Банк кредит портфели, ўз тузилишига кўра, хилма хилдир. Унда иқтисодиётнинг турли соҳалари қамраб олинган. Мамлакатимиз тижорат банклари томонидан тақдим этилаётган кредитлар бугунги кунда автомобилсозлик, нефть-газ, кимё, электротехника каби юқори технологияли ва стратегик муҳим тармоқларда ишлаб чиқаришни ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Сўнгги йилларда тижорат банкларининг иқтисодиёт реал секторига йўналтирилган кредитлар миқдори йилдан йилга ўсиб бормоқда. Хусусан, 2011




йилда иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитларнинг умумий ҳажми 35,6 фоиз ошиб, бугунги кунда уларнинг миқдори 15,6 триллион сўмга етди.

***3.3.4-расм.*** **Тижорат банклари томонидан берилган кредитлар ва инвестицион кредитлар, миллиар сўм.**

3.3.4-расм маълумотлардан кўриниб турибдики тижорат банклари томонидан берилган кредитлар сўнгги йилларда фақат ўсиш динамикасига эга бўлган ва уларнинг 75 фоиздан ортиғини узоқ муддатли кредитлар ташкил этган.

Тижорат банклари томонидан ўтган йили халқаро молия институтларининг 143,4 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредит линиялари ўзлаштирилди. Ушбу кўрсаткич ҳам ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,4 баробар ошди. Мазкур соҳага ажратилган кредитлар ҳисобидан ҳудудларда 291 мингдан ортиқ янги иш ўрини яратилди.

Иқтисодий ўсишни рағбатлантириш мақсадида Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси 2011 йилнинг 1 январидан йиллик ҳисобда 14 фоиздан 12 фоизга туширилди ва йил давомида ўзгартирилмасдан сақлаб турилди. Бу эса, ўз навбатида пул бозорида фоиз ставкаларининг пасайишига олиб келиб, хўжалик юритувчи субъектлар харажатларининг камайиши ва бунинг натижасида уларнинг инвестицион фаоллигини оширишга хизмат қилди. Хусусан, 2010 йил давомида пул бозоридаги операциялар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкалари йиллик ҳисобда 8,9 фоизни ташкил этган бўлса, 2011 йилда ушбу кўрсаткич 8,5 фоизга тенг бўлди.

2011 йил давомида кредитлар бўйича ўртача фоиз ставкаларининг ҳам пасайиши кузатилди. Хусусан, қисқа муддатли (муддати бир йилгача бўлган) кредитлар бўйича фоиз ставкалари йил бошидаги 13,8 фоиздан йил охирига келиб 13,2 фоизга тушди. Узоқ муддатли кредитлар бўйича ўртача фоиз ставкалари 2010 йилда 13 фоизни ташкил қилган бўлса, 2011 йилда 11,8 фоизга пасайди.

2011 йилнинг юртимизда **“Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили”**деб эълон қилиниши муносабати билан банк тизимида қатор устувор вазифалар амалга оширилди. Жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик

субъектларига кредитлар, шу жумладан, микрокредитлар ажратиш механизмлари такомиллаштирилди ва янада соддалаштирилди.

Оилавий бизнес ва ҳунармандчиликни ривожлантириш, бошланғич капитал ҳамда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш мақсадида узоқ ва ўрта муддатли кредитларни ажратиш механизмлари қайта кўриб чиқилиб, ҳозирги давр талабларига мослаштирилди.

Тижорат банклари ва банкдан ташқари кредит ташкилотлари томонидан ажратиладиган микрокредитларнинг таъминоти сифатида кредит қайтарилмаслиги хатарини суғурталашда суғурта полисини қўллаш амалиётини кенгайтириш, якка тартибдаги тадбиркорларга, жумладан, касб-ҳунар билим юртлари битирувчиларига берилган тижорат банклари кредитлари бўйича таъминот сифатида жисмоний шахсларнинг мол-мулкини гаровга олиш амалиёти кенг жорий қилинди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 январда қабул қилинган «2011-2015 йилларда Ўзбекистон иқтисодиётида ислоҳотлар кўламини кенгайтириш ва чуқурлаштириш, мамлакатда ишчанлик муҳитини шакллантиришнинг мезонлари ва баҳолаш тизимини аниқлаш ва амалга оширишга доир чоралар-тадбирлар Дастури тўғрисида»ги ПҚ-1464-сонли Қарорига асосан, тижорат банкларида кичик бизнес субъектларига кредитларни ажратишда гаровга қўйилган мулкни расмийлаштириш билан боғлиқ харажатларни кредитнинг умумий суммасида акс эттириш амалиёти жорий қилинди.

2011 йилнинг 1 январидан бошлаб Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаштириш ставкаси йиллик 14 фоиздан 12 фоизга пасайтирилди. Бу эса, ўз навбатида тадбиркорлик субъектларига ажратиладиган кредитларнинг фоиз ставкалари пасайишига олиб келди.

Банкларнинг барча филиалларида тадбиркорларга яқиндан маслаҳатлар бериш бўйича “Тадбиркорлар хонаси” ташкил этилди. Шунингдек, филиаллар ва мини банкларда ташкил этилган “Тадбиркорлар бурчаги” орқали республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш

борасида яратилган шарт-шароитлар, имкониятлар, таклиф этилаётган янги банк хизматлари тўғрисида доимий равишда ахборот бериб борилиши йўлга қўйилди.

Ўзбекистон банклари ассоциацияси ҳузурида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида инвестицион лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштиришга ихтисослаштирилган жамғарма ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит беришни кўпайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2011 йил 11 мартда имзоланган ПҚ-1501-сонли Қарори, “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2011 йил 24 августда чиқарилган ПФ-4354-сонли Фармони ва бошқа бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун турли имтиёз ва қулайликлар берилди, имтиёзли кредитлаш тизими соддалаштирилди.

Хусусан:

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг кредитлар ажратиш ҳақидаги аризаларини кўриб чиқиш муддати уч банк иш кунидан ошмайдиган муддат қилиб белгиланди;
- тижорат банкларига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит беришда кредитнинг умумий суммасида қарз олувчининг гаров таъминотини расмийлаштириш билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олиш ҳуқуқи берилди;
- кичик бизнес субъектларидан тижорат банкларида миллий валютада ҳисобварақ очгани учун тўлов ундириш бекор қилинди;
- имтиёзли кредитлаш ҳажмини кенгайтиришни рағбатлантириш мақсадида тижорат банкларининг Имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан кредитлар ажратишдан оладиган даромадлари 2016 йилнинг 1 январига қадар фойда солиғидан озод қилинди.

Бунга асосан, жорий йилда Имтиёзли кредитлаш махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан кредитлар 1,3 баробарга кўпайтирилиб, уларнинг

ҳажмини 24 миллиард сўмдан ошириш чоралари кўрилди. Ушбу кредитлар асосан узоқ ва чекка, шунингдек, ортиқча меҳнат ресурсларига эга бўлган туман ва шаҳарларда жойлашган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилди.

Олиб борилган салмоқли ишлар натижасида 2011 йилда тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми 2010 йилга нисбатан қарийб 1,5 баробар ошиб, 4,0 триллион сўмни ташкил этди ва мазкур маблағлар ҳисобига ҳудудларда 291 мингтадан ортиқ янги иш ўрини яратилди.




***3.35.-расм.*Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-кувватлашга ажратилган кредитлар, миллиард сўм.**

3.3.5-расм маълумотларидан кўриниб турибдики, “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастури доирасида амалга оширилган кенг кўламли чора-тадбирлар натижасида кичик бизнес субектларига ажратилган кредитлар ҳажми 2011 йилда 2009 йилга нисбатан 2,2 баробар, 2010 йилга нисбатан 1,5 баробар ошиб, 2012 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра 4,1 триллион сўмни ташкил этди. Ажратилган микрокредитлар ҳажми 752,3 миллиард сўмни ташкил этиб, мазкур кўрсаткич 1,5 баробар ўсди.

## Хулоса ва таклифлар.

Давлатнинг иқтисодий ва сиёсий ривожланишини таъминлашда марказий бошқарув ва маҳаллий ҳокимият органлари ўртасидаги ўзаро солиқ—бюджет муносабатларининг тўғри йўлга қўйилиши мақсадга эришишнинг муҳим омиллардан бири бўлиб ҳисобланади.

Алоҳида вилоятлар ва бутун республикада солиқлар ва солиққа тортиш тизимини оқилона ташкил қилиш, табиий ресурслардан самарали фойдаланиш ҳисобига мамлакатда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш.

Барча молия ресурсларини бюджетлараро тақсимлаш йўллари кучли давлат тузумини ва ҳудудий яхлитликни ушлаб туришга қаратилиши лозим.

Юқорида зикр этилган мақсадларга эриш учун бюджетлараро муносабатлар тизими қўйидаги талабларни таъминланишига тўлиқ жавоб бериши даркор.

а) Бюджетлараро муносабатлар тизимини тартибга солиш ягона механизм ва принципларга таяниши керак. Жумладан, даромад манбаларини бириктирилиш ва молиявий ёрдамларни (дотация, субвенция, ссуда) тақсимлаш масалаларида алоҳида субъектларга молиявий имтиёзлар бериш ва устувор қулайликлар яратиб бериш бўйича — ноанъанавий ёндошиш ҳолларига йўл қўймаслик лозим.

б) Турли хил даражадаги ҳокимият ва бошқарув органлари ўртасида харажатлар қилиш ваколати ва молиявий мажбуриятларни амалга оширишдаги жавобгарлиги қонун томонидан аниқ чегараланиб қўйилиши керак.

в) Вилоятларда бюджет маблағлари билан таъминлашни ўз вақтида ва тўлиқ ташкил қилиш учун уларга молиявий ёрдамларни объектив ва ошкора тақсимлаш лозим.

г) Бириктирилган маҳаллий даромад базасини кенгайтириш билан бирга, республика бюджетидан олинаётган молиявий ёрдамларни самарали ва мақсадга мувофиқ фойдаланаётган маҳаллий бюджетларга қўшимча рағбатлантириш механизмлари ташкил этилиш керак.

д) қонунчиликка ва молиявий интизомга тўлиқ итоат қилишни назорат қилувчи ягона механизм ишлаши зарур.

Ҳудудий бюджетлар тараққиётидаги муҳим хусусиятлардан бири жойларда иқтисодий – ижтимоий муаммоларни хал этишда ҳудудлар молиявий ресурслар манфаатдорлиги ҳамда имкониятларининг оширилиши ҳисобланади.

Хулоса килиб, ҳудудлар молиявий ресурсларини бошқаришда куйидагиларга эътибор берилиши лозим деб хисоблаймиз:

1. Диференциаллашган нармативлар ва иæтимоий давлат стандартларини ишлаб чикиш ва қўллаш. Бу стандартларни амалиётга киритиш бюджет харажатларини режалаштириш, маблагларни бюджетлар уртасида ёки муассасалар уртасида таксимлашда ҳамда унинг ижроси даврида аниклик, холислик ва маъсулиятни таъминлайди.

2. Юкори бюджетлардан куйи бюджетларга утказилагтган ёки куйи бюджетлардан юкори бюджетларга ўтказилагтган маблағларни тақсимлашда маҳаллий молия органлари ўзгартирилаётган харажат турига тегишли барча курсаткичларни хисобга олган холда ўзгартиришлар киритиш.

3. Мос равишда молиявий базасиз юкори бюджетлар тамонидан куйи бюджетларга харажатларни молиялаштириш ваколатларини юклаш амалиётини четлаштириш;

4. Айрим турдаги харажатларни вилоят ёки республика буйича марказлаштиришда ҳудудларнинг ижтимоий иктисодий холатидан келиб чиккан холда уларнинг имкониятларини яъни шу харажатларни узларида амалга оширишлари самарали булган холларда ҳудудлар молиявий ресурсларга марказлаштирилмаган холда харажат килиш ваколотини бериш.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414–сон “Бюджет ташкилотларини маблаг билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги карори юзасидан

- бюджет муаассасалари ўзини буш турган бино - иншоотлари, хоналари ва асбоб ускуналарини ижарага беришдан олинган даромадлар 50 фоиз маҳаллий бюджетга утказиб берилиб, 50 фоиз узларида колиши белгиланган. Давр талабидан келиб чиккан холда бюджет муассасаларининг ўз фаолиятлари натижасида сотиб олган асбоб ускуналарини ёки курилган биноларни ижарага

беришдан олган даромадларини тўлик муассасалар ўзларини ихтиёрига колдириш,

- бюджет муаассасалари узини буш турган бино - иншоотлари, хоналари ва асбоб ускуналарини ижарага беришдан ижара субъектларида субъект сифатида фақат юридик шахслар кўрсатилган. Бу эса ўз навбатида олиш мумкин бўлган даромадларга тусиклик килади. Шунинг учун бюджет муассасалари ва жисмоний шахслар уртасида ижара муносабатлари тартибини ишлаб чикиш лозим.

Ушбу келтирилган таклиф ва тавсияларимиз келгусида малакатимиздаги ҳудудий бюджет ресурсларини самарали ташкиллаштиришга салмоқли хисса қўшади деган умиддамиз.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.**


1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.Т.:”Ўзбекистон”, 1992
2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси, 2008 й
3. Ўзбекистон Республикаси Божхона Кодекси, 2008 й.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида”ги қонуни. Халқ сўзи газетаси, 2000 йил 14 декабрь, 2-3 б.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги қонуни. Халқ сўзи газетаси, 1995 йил 12 декабрь, 2-3 б.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонуни, Халқ сўзи газетаси,1996 йил 26 апрель,2-3 б.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва бюджет параметрлари прогнози тўғрисида”ги 744-сонли қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 27 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва бюджет параметрлари прогнози тўғрисида ”ги 532-сонли қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 31 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва бюджет параметрлари прогнози тўғрисида ”ги 244-сонли қарори.
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 28 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2005 йилдаги асосий кўрсаткичлари тўғрисида”ги 610-сонли қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 31 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2002 йилдаги асосий кўрсаткичлари тўғрисида”ги 490-сонли қарори.
12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 31 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг 2001 йилдаги асосий кўрсаткичлари тўғрисида”ги 504-сонли қарори.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 31 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг 2000 йилдаги асосий кўрсаткичлари тўғрисида”ги 554-сонли қарори.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 26 мартдаги “Ўзбекистон Республикасида иш ҳақлари ва энг кам ойлик иш ҳақи миқдорини ошириш тўғрисида”ги Фармони. Халқ сўзи газетаси, 2002 йил 26 март, 1-б.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 27 июндаги “Ўзбекистон Республикасида иш ҳақлари ва энг кам ойлик иш ҳақи миқдорини ошириш тўғрисида”ги Фармони. Халқ сўзи газетаси, 2001 йил 27 июнь, 1-б.
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 24 июлдаги “Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятини рағбатлантириш, чет эл инвестицияларини жалб этиш ва ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги Фармони. Халқ сўзи газетаси, 1994 йил 25 июль, 1-б.
17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 30 ноябрдаги «Хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарга бериладиган қўшимча рағбатлантириш омиллари ва имтиёзлари тўғрисида»ги Фармони. Халқ сўзи газетаси, 1996 йил 31 ноябрь, 1-б.
18. Каримов И.А. 2012 йил ватанимиз тарақиётини янги босқичга кўтариладиган йил бўлди Ўзбекистон Республикаси И.А.Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистоннинг ижтимоий иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Махкамасининг мажлисидаги маърузаси// Халқ сўзи, 2012 йил 20 январь, № 14 (5434).
19. Каримов И.А. Мамлакатимизда деморактик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси- Т.: Ўзбекистон, 2010.

20. Каримов И.А., “Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислоҳот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир” Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси.
21. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: “Ўзбекистон”, 1998.-628 б.
22. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт—пировард мақсадимиз. Т.:“Ўзбекистон”, 2000.-528 б.
23. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т.: “Ўзбекистон”, 1999.-410 б.
24. Каримов И.А. Хавфсизликка таҳдид ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.:“Ўзбекистон”, 1999.-429 б.
25. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.: “Ўзбекистон”, 1996.-380 б.
26. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.: “Ўзбекистон”, 1996.-366 б.
27. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлида. Т.:“Ўзбекистон”, 1996.-384 б.
28. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т.: “Ўзбекистон”, 2000.-350 б.
29. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари. Т.:“Ўзбекистон”, 1991.-41 б.
30. ЎзР. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 августдаги «Нақд пулларни банкдан ташқари айланишини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида »ги 280-сонли Қарори. (NORMA ахборот тизими)
31. ЎзР. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 13 ноябрдаги “Бозорни истеъмол товарлари билан тўлдиришни рағбатлантириш ва ишлаб чиқарувчилар билан савдо корхоналарин алоқаларини такомиллаштириш тўғрисида”ги 390-сонли Қарори (NORMA ахборот тизими)

32. ЎзР. Адлия Вазирлигида 2003 йил 21 апрелда 1235-сон билан руйхатга олинган «Юридик шахслар даромади (фойдаси) га солиқни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида»ги Йўриқнома (NORMA ахборот тизими)
33. ЎзР. Адлия Вазирлигида 2003 йил 29 апрелда 1238-сон билан руйхатга олинган «Ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган товарлар (иш, хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Йўриқнома (NORMA ахборот тизими)
34. ЎзР. Адлия Вазирлигида 2002 йил 20 январда 1106-сон билан руйхатга олинган «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб чиқариладиган товарлар бўйича юридик шахслар томонидан акциз солиғини ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида»ги Йўриқнома (NORMA ахборот тизими)
35. ЎзР. Адлия Вазирлигида 2002 йил 11 мартда 1107-сон билан руйхатга олинган «Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида»ги Йўриқнома (NORMA ахборот тизими)
36. ЎзР. Адлия Вазирлигида 2002 йил 15 январда 1097-сон билан руйхатга олинган «Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида»ги Йўриқнома (NORMA ахборот тизими)
37. Беганов В. ва бошқалар. Молия сиёсати, солиқлар ва солиқ солиш Т.: Иқтисодиёт ва хуқуқ дунёси, 1998 й. 262 б.
38. Маликов Т.С. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. - Тошкент, “Академия ”, 2002 й. 204 б.
39. Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Ҳ. Бюджет даромадлари ва харажатлари //Ўқув қўлланма –Т.: “Иқтисод-молия”, 2007
40. Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Ҳ. Давлат бюджети //Ўқув қўлланма –Т.: “Иқтисод-молия”, 2007
41. Ваҳобов А.В., Маликов Т.С. Молия Тошкент, Иқтисод-молия 2012 йил.

42. Медведов А. Как планировать налоговые платежи М.: Инфра М 1996 г. 321 б.
43. Мельник Д.Ю. “Налоговый менеджмент” М., “Финансы и статистика” 1999 г. 589 б.
44. Налоги (под ред. Д.Черника) М.: Фынансы и статистика 1997 г. 353 б.
45. Налоговые системы зарубежных стран М.: ЮНИТИ, 1997 г. 562 б.
46. Рябова Р.И. Налоги. М.: Интел-синтез, 2001 г. 568 б.
47. Самуэльсон П. Экономика М. Прогресс 1994 г. 1-том 415 б.
48. Смит А. Исследование о природе и причинах богаство народов М.: «Политиздат» 1962 г. 283 б.
49. Тошмуродова. Б. «Солиқлар воситасида иқтисодиётни бошқариш механизми». Т.: «Янги аср авлоди» 2002 й. 128 б.
50. Тухлиев Б.К., Азизов О.М. Солиқ юкини камайтириш – иқтисодиётни юксалтириш омили // Ўқув қўлланма -Т.:ТДИУ, 2007,-34б
51. Хван Л. Солиқ ҳуқуқи. -Т.: Консаудитинформ 2001 й. 482 б.
52. Шаулов Д.И., Кан У.Т. “Солиқ Қонунчилиги асослари” "Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси" Т., 1999 й. 336 б.
53. Яҳёев Қ. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти Т., Молия 2003 й. 208 б.
54. Юткина Т.Ф. Налоги и налогообложение М.: ИНФРА 2000 г. 492 б.
55. Ўлмасов А. , Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси Т.: Меҳнат, 1997 й. 527 б.
56. Government Financial Statistics. IMF, 2002. Washington D.C.
57. Lawrence B. Lindsey. Revenue Maximizing Taxation is not Optimal. Joint Economic Committie Report, US Congress. Washington D.C. July 2003
58. Қудратов Х. «Иқтисодиётни эркинлаштиришда солиқ юкини оптималлаштириш муаммолари» «Ўзбекистон банк-молия тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш муаммолари ва унинг иқтисодиёт ривожланишига таъсирини кучайтириш» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция, Тошкент 2003 йил 3 июн

59.Қудратов Х., Муратов П. «Солиқ юкининг тармоқлар бўйича тақсимланишини такомиллаштириш» «Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида солиқ тизими ва суғурта фаолиятини такомиллаштириш йўллари» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция, Тошкент 2004 йил 11-12 феврал
60.www.tax-news.com
61.www.payroll-taxes.com
62.www.cer.uz
63.www.fairtax.org
64.www.turbotax.com
65.www.libraryfreenet.uz
66.www.uzreport.uz